

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ

ШНҚ 2.08.01-2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2020

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ

ШНК 2.08.01 – 2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент 2019

ШНК 2.08.01-19 Турар-жой бинолари / ЎзР Қурилиш вазирлиги – Тошкент, 2019, 66 б.

ИШЛАБ ЧИҚИШДА ҚАТНАШДИ: Т.А.Максумов (ЎзР Давархитектқурилиш), ЎзЛИТТИ АЖ: арх. Т.П.Зимакова – мавзу раҳбари, арх. Д.У.Мардиева, арх. Н.А.Махкамов, т.ф.н. Е.А.Насонов, С.А.Ходжаев, Л.А.Мухамедшин, муҳандис А.В.Бубнов, ЎзР ССВ СГККИТИ (тб.ф.н. М.Р.Қўчқорова), ЎзР ИИВ ЁХББ (А.Х.Якубов, Н.Р.Султанаев, А.И.Юлдашев), Ўзқишлоқлойиха (арх. М.У.Умаров).

Ушбу қайта ишлаб чиқилган нашр «ToshuyjoyLITI» АЖ (Р.Р.Қодиров – мавзу раҳбари), ТАҚИ (т.ф.д., профессор С.А.Ходжаев– мавзу раҳбари, т.ф.н. С.Т.Қосимова) томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу қайта ишланган нашр матнида қурилиш объектлари энергия самарадорлиги ошириш мақсадида ЎзР “Давархитектқурилишқўм”нинг 18.09.2009 й. 96-сонли буйруғи билан тасдиқланган 1-сонли ўзгартиш, ЎзР “Давархитектқурилишқўм”нинг 10.11.2011 й. 79-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2-сонли ўзгартиш ҳамда ЎзР Қурилиш Вазирлигининг 15.10.2019 й. 480-сонли буйруғи билан тасдиқланган 3-сонли ўзгартиш ҳисобга олинган.

МУҲАРРИРЛАР: Б.К.Содиқов (ЎзР Қурилиш вазирлиги), Р.Р.Қодиров («ToshuyjoyLITI» АЖ).

ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАНДИ: ЎзР Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш бошқармаси (Д.А.Ахмедов).

КЕЛИШИЛГАН: ЎзР ССВ, ЎзР ФВВ ЁХББ.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 15.10.2019 й. 480-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Ушбу **ШНК 2.08.01-19** “Турар-жой бинолари” меъерий ҳужжати амалга киритилиши муносабати билан ШНК 2.08.01-05 ўз кучини йўқотади.

© Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг рухсатисиз тўлиқ ёки қисман чоп қилиниши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ

Жилые здания

Residential buildings

Амалга киритиш муддати 2019-15-10

1. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

Ушбу меъёрлар янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган турар жой биноларини, шу жумладан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, бирхонадонли ва бирлаштирилган (жуфтланган) уйлар, 16-қаватгача бўлган кўп хонадонли уйлар (16 қават ҳам), махсус турар-жойларни лойиҳалаш ва қуришга татбиқ қилинади

Ушбу меъёрлар биноларга кўчиб кириш ва эгалик қилиш шартларига, шунингдек инвентар ва кўчма (кўчириб юриладиган) биноларни лойиҳалашга татбиқ қилинмайди.

Турар-жой биноларини лойиҳалашда, ушбу меъёрлар талаблари билан бир қаторда, қайд этилган иловаларга мувофиқ амалдаги меъёрий ҳужжатлар ҳам ҳисобга олиниши керак; санитария-гигиена, ёнғинга қарши ва функционал-типологик талаблар ва турар жойни шакллантириш параметрлари, зилзилабардошлик, микроклим қулайликни, энергия тежамкорлик ва энергия самарадорликни таъминлаш талаблари, замонавий муҳандислик жиҳозларини қўллаш талаблари комплекс ҳолда ҳисобга олиниши керак. Ушбу меъёрлар табиий иқлим шароитлари хусусиятларини ва турар жой турларига аҳолининг маиший эҳтиёжини шунингдек ногиронларнинг ҳаётий фаолияти шароитларини ҳисобга олади. Ушбу меъёрлар матнида ҳавола қилинадиган меъёрий ҳужжатлар 1-иловада келтирилган. Ҳавола қилинадиган меъёрий ҳужжатлар амалдагилар қаторидан чиқарилганда, улар ўрнига киритилган меъёрларга амал қилмоқ лозим.

Мазкур меъёрларнинг 1А-иловада келтирилган термин ва атамалар, шунингдек, 1-иловада келтирилган меъёрий ҳужжатларда қабул қилинган бошқа термин ва атамалардан фойдаланилган.

Турар-жой уйлар, ётоқхоналар, қариялар ва ногиронлар интернат уйларининг қаватлар сонини, яшаш ва умумий юзаларини, қурилиш ҳажмини ҳисоблаб чиқиш қоидалари 2-иловада келтирилган.

Ушбу меъёрларда мажбурий талаблар билан бир қаторда тавсиявий қоидалар ҳам келтирилган бўлиб, унда турар-жойнинг қулайлиги бўйича асосий синфлари (класслари) аниқланган: “оддий (меъёрий)”, “яхшилланган” ва “юқори”; турар жой қулайлиги синфи бўйича хусусиятлари ва параметрлари 3-иловада келтирилган.

СанПин 0146-04 санитария-гигиена нормаларига мувофиқ келувчи турар жой қулайлик даражаси “оддий (меъёрий)” синфига мос келадиган

меъерий параметрларга риоя қилиш мажбурий бўлиб; “яхшиланган” ва “юқори” класс қулайликли турар-жой параметрлари хусусий қурилиш учун тавсиявийдир.

2. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

Санитария-гигиена талаблари, ёритилганлик, инсоляция ва шамоллатиш.

2.1. Турар-жой бинолари қуриш ва реконструкциялаш қилишга рухсат асосида лойиҳалаш ва қурилиш қоидаларини ўрнатадиган мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНК деб юритилади) ҳамда бошқа меъерий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган ШНК талаблари асосида бажарилган лойиҳалар бўйича амалга оширилиши керак.

Турар-жой биноларини лойиҳалашда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофазалаш, узоқ вақтга чидамлик, таъмирлашга яроқлик, энергия самарадорлик, шунингдек энергия тежамлилигини таъминловчи чоралар ва бошқа талаблар ШНКларга мувофиқ кўзда тутилиши керак.

2.2. Турар-жой биноларини шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳоли яшаш жойлари ҳудудларида жойлаштириш, йўналтириш, улар билан бошқа иншоотлар орасидаги масофа, уларга қаршли ер участкаларининг ўлчами қурилиш лойиҳалари бўйича ҳамда мос равишда ШНК 2.01.01 ва ШН 2.07.01 талабларига мувофиқ ўрнатилиши керак.

2.3. Биноларнинг қаватлилиги, узунлиги ва композицион-тархий ечимлари, қурилиш лойиҳасига мувофиқ, ушбу ШНК талабларига, ёнғин ва зилзила хавфсизлиги (ШНК 2.01.02 ва ШНК 2.01.03) талабларига биноан аниқланади.

Оммавий уй-жой қурилиш учун 4-қаватдан баланд бўлмаган; оқавалаштирилмаган (канализациясиз) шаҳар ва қишлоқларда 1-2 қаватли бинолар қўлланилиши лозим.

9-12 қаватли бинолар йирик шаҳарларнинг марказларида қуриш учун қўлланилиши мумкин; 16 қаватли ва ундан юқори бинолар махсус (алоҳида) асослар бўйича ва Қурилиш Вазирлигининг рухсати бўйича қўлланилади.

Қариялар ва ногиронларни жойлаштириш учун ихтисослаштирилган квартиралар турар жой бинолар, ҳамда интернат-уйлар 3-қаватдан баланд бўлмаслиги керак.

2.4. Кўпхонадонли ва ихтисослаштирилган турар-жой бинолари лойиҳаларига яшаш хонадонлари ва биноларнинг жамоат хоналаридан фойдаланиш бўйича йўриқнома илова қилиниши лозим. Уйнинг хонадонлари ва хоналардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларда квартиралар (эгалари) ва бино ҳажми ичидаги хоналар ижарачиларига, шунингдек фойдаланувчи ташкилотларга, эксплуатация жараёнида хавфсизликни таъминлаш учун

зарур бўлган маълумотлар, шу жумладан, асосий конструкциялар ва муҳандислик тизимлари ҳақида маълумотлар, каркасинг кўринмайдиган элементлари ва узелларининг, кўринмайдиган ўтказгичлар ва муҳандислик тармоқларининг жойланиш схемалари, шунингдек уй конструкциялари ва электр тармоғига юкланишларнинг энг катта кўрсаткичлари келтирилган бўлиши керак. Ушбу маълумотлар ижро хужжатларининг нусхаси кўринишида тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари йўриқнома ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимларини сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қодаларини ва ёнғин вақтида эвакуация қилиш режасини ўз ичига олган бўлиши керак.

2.5. Кўп хонадонли уйларда ва махсус уй-жойларда қуйидагиларни кўзда тутмоқ лозим:

хўжалик-ичадиган сув, ёнғинга қарши ва иссиқ сув таъминотини, канализация ва тарновларни – ҚМҚ 2.04.01 ва ШНК 2.04.02 га мувофиқ; иситиш ва вентиляция, тутундан муҳофазани – ҚМҚ 2.04.05 га мувофиқ;

меъёрий хужжатлар талабларига кўра электр ёритиш, куч электр ускунаси, телефонлаштириш, радиолаштириш, телевизор антенналари ва қўнғироқли сигнализацияни, шунингдек, автомат ёнғин сигнализациясини, ёнғин вақтида хабар бериш ва эвакуацияни бошқариш тизимини, ёнғин бўлинмалари ва одамларни қутқариш воситаларини ташиши учун лифтларни;

бир хонадонли ва бирлаштирилган (жуфтланган) уйларда муҳандислик тармоқлари ва ускунаси лойиҳалашга топшириқда кўзда тутилади;

турар-жой бинолари томларида эшиттиришларни биргаликда қабул қилиш антенналарни ва радиоэшиттиришнинг ўтказувчи тармоқлари стойкаларини ўрнатишни кўзда тутмоқ лозим. Радио релели мачталар ва миноралар ўрнатиш тақиқланади.

2.6. Турар-жой бинолари шу тариха лойиҳаланиши, қурилиши ва жиҳозланиши керакки, унда яшовчилар хонадон ва уй ичида ҳаракатланаётганида, шунингдек уйга кириш ва чиқишда, унинг қисмларидан ва муҳандислик жиҳозларидан, уй теваарак-атрофидан фойдаланишида жароҳат олиш хавфи бўлмаслиги керак.

Турар-жой бино хоналари унга ёмғир, қор-муз ёки ер-ости сувлари ва фойдаланиш жараёнида фавқулодда вужудга келган сувларнинг киришидан конструктив воситалар (тадбирлар) ва техник мосламалар билан химояланиши керак.

2.7. Бинонинг қираверишидаги хона полининг сатҳи кириш олдидаги тротуар сатҳидан камида 0,15 м баланд бўлиши керак.

Биноларда ўтиш ва машинада ўтиш йўлаклари ШНК 2.01.03 даги меъёрлар бўйича ва ушбу ШНКнинг 5.9-б. бўйича қилинади.

2.8. Турар-жой биноларини лойиҳалаш СанПиН 0146-04 ва ШНК 2.01.01 га мувофиқ қурилиш-иқлимий минтақалаштиришга мос равишда, минтақа ва минтақа остилар асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

I минтақа – саҳро иқлими тасирида бўлган, ўта ноқулай ёзги шароитга эга ҳудудлардан иборат. I минтақада айниқса юқори давомли жазирама даврли IA ва IB остминтақалар, ҳавоси юқори даражада чангли IA, IB ва II остминтақалар ажратилган, II остминтақа совуқ киши билан ажралиб туради.

II минтақа – тоғолди воҳалар, табиий-иқлимий ва ландшафт шароитлари нисбатан яхши бўлган водийлар ва ясситоғли туманлар.

III минтақа – тоғли ҳудудлар – ўта ноқулай экстремал киши шароитлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг маъмурий туманлари бўйича қурилиш-иқлимий зоналари ва остминтақалари рўйхати 4-иловада келтирилган.

I қурилиш-иқлимий минтақада турар-жой биноларининг архитектура-тарҳий ечимлари истиқоматгоҳни ёзги жазирама, шунингдек шамол ва чангдан ҳимоялашни таъминлаши керак. Яшаш хоналарини чанг-тўзон таъсиридан ҳимояланган ховли бўшлиқларига очилишини таъминлайдиган, максимал кенг корпусли турар-жой уйларнинг ихчам қуршалган(ўралган) ёки ярим қуршалган(ўралган) композицион-тарҳий ечимларини қўллаш тавсия қилинади; кўпқаватли уйларда уй структураси ичига “чуқур киритилган” ойнаванд пешайвонлар, камқаватли уйларда эса ёпиқ ховлилар қўллаш мақсадга мувофиқдир.

II қурилиш-иқлимий минтақада архитектура-тарҳий ечимлар иқлимнинг оромбахш шароитларидан максимал фойдаланишга, шу билан бир вақтда истиқоматгоҳни ортиқча жазирамадан ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Жазирамадан ҳимоялаш соябонлаш, истиқоматгоҳни ташқи кўкаламзор муҳитга очиш, оромбахш салқин шамоллар йўналишини ҳисобга олган ҳолда шамоллатиш ҳисобига таъминланади.

III қурилиш-иқлимий минтақада архитектура-тарҳий ечимни танлашда етакчи омил, бу истиқоматгоҳни киши даврида ўта ноқулай иқлим таъсиридан ҳимоялашдир. Истиқоматгоҳ ва пешайвонлар асосан жанубий (жануби-шарқ, жануби-ғарб) уфққа қаратилган, ихчам композицион-тарҳий ечимлар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.9. Шахсий уй-жойларни ва кўпхонадонли турар жойлардаги хонадонларни уларга биттадан оилани кўчиб кириши шартидан келиб чиқиб лойиҳалаштирилиши керак. Истиқоматгоҳ майдонининг ҳисобий кўрсаткичлари таъминланганликнинг эришилган даражасини, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни, қурилишни ресурс билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади, лекин 1 одамга умумий майдон 16 м² дан, кресло-аравачадаги ногиронлар учун эса, 23 м² дан паст бўлмаслиги керак.

2.10. Яшаш хоналари ва ошхоналарни полдан шипгача баландлигини камида 2,7 м қабул қилиш лозим. Санитар-гигиена шарт-шароитлари бўйича полдан шипгача энг мақсадга мувофиқ баландлик 3 м бўлиб ҳисобланади. Хоналар баландлиги лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади.

Изоҳлар:

1. Уй қурилиши корхоналари буюмларидан қуриладиган уйларда ҳамма зоналар учун баландлик 2,8 м деб қабул қилиниши мумкин (полдан шипгача).
2. Ёрдамчи хоналар баландлигини 2,4 м гача пасайтиришга йўл қўйилади.
3. Қайта тикланаётган биноларда, ҳамда мансарда қаватларда яшаш ва ёрдамчи хоналар баландлиги лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатишга йўл қўйилади.

2.11. Яшаш хоналарини ертўла ва цокол қаватларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

2.12. Яшаш хоналари, ошхоналар, оқовалаштирилмаган ҳожатхоналар, зинапоя бўлмалари (хонадон ичидагидан ташқари), йўлакли типдаги биноларда умумий йўлақлар, вестибюллар, ҳамда бино ичига жойлаштирилган жамоат хоналари табиий ёритишга эга бўлиши керак.

Табиий ёритишни ШНҚ 2.01.05 га мувофиқ, ШНҚ 2.01.04 талабларини ҳисобга олган ҳолда, хоналар учун пол сатҳида табиий ёритилганлик коэффицентининг (ТЁК) меъёрланган қийматини 5-иловага мувофиқ қабул қилиб лойиҳалаштириш лозим. Бунда ёруғлик проёмлари майдонини яшаш хоналари ва ошхона поллари майдонига нисбати, одатда, 1:5,5 дан кўп бўлмаслиги, минимал нисбати I ва III минтақаларда 1:10 дан ва II минтақада 1:8 дан кам бўлмаслиги керак; мансарда қаватлари учун юқорида кўрсатилган нисбат ҳамма минтақаларда 1:10 қилиб қабул қилинишига йўл қўйилади.

Йўлакли типдаги бинолар умумий йўлақлар деразасининг юзаси пол юзасининг 1/16 қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ташқи девордаги ёруғлик проёмлари орқали бир чеккадан (торецдан) ёритилганда, ётоқхоналар умумий йўлақларининг узунлиги 24 м дан, икки чеккасидан бўлганда 48 м дан ошмаслиги керак. Йўлақлар узунлиги бундан кўп бўлса, ёруғлик кармонлари орқали кўшимча табиий ёритиш кўзда тутилиши керак. Икки ёруғлик кармонлари орасидаги масофа 24 м дан, ёруғлик кармони билан йўлак охиридаги (торецдаги) ёруғлик проёми орасидаги масофа 30 м дан ошмаслиги керак. Ёруғлик кармонининг кенглиги (эни) чуқурлигининг ярмидан кам бўлмаслиги керак (ёндош йўлак кенглиги ҳисобга олинмайди). Ёруғлик кармони хизматини ўташи мумкин бўлган зинапоя бўлмаси орқали, унинг икки томонида жойлашган йўлақларни 12 м гача ёритиш мумкин.

Изоҳ: Ётоқхоналарда икки кишилик яшаш ячейканинг тахмон-ошхонасини ва кичик габаритли бирхонали хонадонлардаги электрплита ва шамоллатгич (ташқарига тортиш) жиҳозли тахмон-ошхоналарни табиий ёритишсиз лойиҳалашга йўл қўйилади.

2.13. Табиий ёритилган хоналар фрамуга, дарча (форточка) ёки бошқа курилмалар орқали шамоллатиш билан таъминланиши керак.

Куйидагиларга йўл кўйилади:

тик йўналишда шамоллатиш (вентиляция каналлари, шахталар орқали), бунда ҳар бир шамоллатиш каналига фақат битта квартира бириктирилиши (уланади) керак. Ҳавонинг бир квартирадани бошқасига оқиб ўтишига йўл кўйилмаслиги керак;

ҳаво алмашиш, одатда, иссиқликни рекуператив утилизаторларга эга механик шамоллатгичлар қўллаш ҳисобига;

ҳаво алмашиш, ҳожатхоналар ва ошхоналар вентиляция каналлари орқали механик вентиляцияни қўллаб.

Бир томонлама жойлашган бир ва икки хонали квартираларни ойнакланмаган холл майдончалар, зинапоя бўлмаси ёки ташқарига очик квартирадани ташқари хоналар орқали шамоллатишга йўл кўйилади.

Йўлакчи (коридор) турдаги ётоқхона биноларида яшаш хоналарини бевосита табиий ёритилган ва тўғри ёки бурчаклама шамоллатиладиган, узунлиги 24 м гача бўлган умумий йўлақлар (коридорлар) орқали шамоллатишга йўл кўйилади.

2.14. Турар-жой биноларини тарҳланиши (планировкаси), жойланиши ва уфққа нисбатан ўрни яшаш хоналарининг 22 март – 2 сентябр даврида узлуксиз давом этадиган инсоляцияси 2,5 соатдан кам бўлмаслигини таъминлаши керак; кун давомида инсоляциянинг умумий вақти 0,5 соатга ошганда яшаш хоналарини инсоляцияси бир марта узилишига йўл кўйилади.

Бир-, икки- ва уч хонали хонадонларда камида бир хонада; тўрт-, беш-, олтихоналикда- камида икки хонада инсоляциянинг меъёрланган давомийлиги таъминланиши керак.

Ётоқхоналарда, одатда, яшаш хоналарининг камида 60%, интернат-уйлар эса камида 75% инсоляция қилиниши керак.

Изох: Турар-жой биноларини жойлашишини, уфққа нисбатан ўрни, бинолар оралиғи ШНК 2.07.01 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

2.15. Турар-жой бинолари уфққа нисбатан ноқулай жойлашганда яшаш хоналарини ортикча қуёш радиацияси ва исиб кетишдан сақлаш кўзда тутилиши керак. I ва II минтақаларда яшаш хоналари деразалари уфқнинг ғарбий қисмига 200-290° оралиғида қаратилмаслиги керак. Уфқнинг кўрсатилган қисмига: иккихонали квартирада – битта хонани, учхоналикда-иккитагача, ётоқхоналарда – офтобдан соябон курилмаси бўлганда ёки махсус ойнакланган бўлса, кўпи билан 25% яшаш хоналари қаратилишига йўл кўйилади.

I ва II минтақаларда яшаш хоналари уфқнинг 200-290° секторига қаратилганда офтобдан ташқи соябон курилмалари қўлланилиши керак; турар жой қулайлиги “яхшилланган” ва “юқори” классда офтобдан соябон курилмаси: I минтақада – 70 - 290° оралиғида, II минтақада – 180 - 290° оралиғида қўлланилиши тавсия этилади.

II минтақада 1-4 қаватли биноларда офтобдан соябон кўкаламзорлаш воситаси билан таъминланади. I минтақада кўкаламзорлаш ҳисобига эришиладиган офтобдан соябон 2-қаватгача бўлган биноларда самаралидир. IA ва II остминтақаларда сидирға (ёрикларсиз) соябон тавақалари қўллаш тавсия этилади.

2.16. Ташқари мухитга очилмайдиган зинапоя бўлмалари ҳар қаватда ташқи девордаги дераза орқали ёритилиши керак; бунда дераза юзаси 1,2 м² дан кам бўлмаслиги керак. Шамоллатиш ҳар қаватдаги деразаларни очиш йўли билан таъминланади. Тепадан (зенитный) ёритилган Л2 типдаги зинапоя бўлмасини 5.14-б. талабларини ҳисобга олган ҳолда 3-қаватгача бўлган биноларда қўллашга йўл қўйилади

2.17. Ёнғинга қарши мақсадлар учун мўлжалланмаган ёзги хоналар (пешайвонлар) ойнаванд қилиб лойиҳаланиши керак (балкон, терасса ва ҳовличалардан ташқари).

Қўшни секцияларга, ташқи (очик) зоналар, авария вазиятидаги чиқишлар (аварийный выход), тутун кирмайдиган зинапоялар қошидаги очик жойдан ўтиш учун ишлатиладиган ёзги хоналарни (балконлар, лоджиялар) ойнаклашга йўл қўйилмайди.

2.18. Йўл қўйилган шовқин даражаси ШНҚ 2.01.08 талабларига мувофиқ ва 6-иловадаги кўрсаткичлар бўйича қабул қилиниши лозим.

2.19. Турар жойларни криминал (жиноий) ҳатти ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларидан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар, лойиҳалаш топшириғида кўзда тутилади (деразалар, кириш эшиклари, чордоқ, ертўла ва бошқа хоналар эшикларига ҳимоя конструкциялари қўллаш, кўриклаш сигнализацияси ва назорат тизими (система) ўрнатиш, домофонлар, кодли кулфлар, ва б.).

2.20. Турар жой биноларининг томи ва том усти ШНҚ 2.01.04 ва ШНҚ 2.03.10 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

3. ТУРАР ЖОЙ УЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Турар – жой уйларнинг типлари

3.1. Турар-жой уйлар қуйидаги асосий типларга бўлинади:
бир оилали (бир квартирали), ер участкаларида алоҳида турувчи;
жуфтланган, 2 ва ундан кўп квартирали, ҳар биридан квартира қошидаги ер участкасига бевосита чиқилади;
кўпквартирали (бир- ва кўпсекцияли, галереяли, секцияли-галереяли, секцияли-йўлаккли (коридор)).

Турар-жой уйлар типларининг тавсифи IA-иловада берилган.

Турар-жой уйлари ва квартиралар типлари, квартиралар хоналарининг хўжалик – хизмат кўрсатиш(ёрдамчи) хоналар таркиби ва юзалари аниқ курилиш шароити учун ушбу меъёрлар ва ижтимоий-демографик талаблар бўйича лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади (ўрнатилади).

3.2. Бирхонадонли ва жуфтланган ер участкали хусусий турар жой уйлари лойиҳалашда ШНК 2.07.01 га мувофиқ истикоматгоҳ қароргоҳларини шакллантириш талаблари ва параметрлари (йўлнинг қатнов қисми четидан қолдириладиган жой, уйлар оралиғи, уй ва хўжалик қурилмалари оралиғи, йўл қўйиладиган қаватлар сони инсоляция ва б.) ҳисобга олиниши керак.

3.3. Камқаватли хусусий бир хонадонли уйлар, яшаш ва хўжалик хоналар блокларини кичик очик ҳовли атрофида жойлаштириб лойиҳалаштириш мумкин; хоналараро очик ва ярим очик боғловлар (бостирма, галерея (йўлак)) қўллашга йўл қўйилади.

Турар жой уйнинг тархий тузилишини, жуфтлаб (ёпиштириб) ёки устига яшаш ва ёрдамчи хоналар қуриш ҳисобига ўзгартиришга йўл қўйилади; бу ҳолда зилзила ва ёнғин хавфсизлиги талаблари, санитария-гигиена меъёрлари ҳисобга олиниши; қўшни турар жой уйнинг инсоляция режими ёмонлашмаслиги керак.

Участкаларда ёрдамчи хоналар ва иншоотларни лойиҳалашда ШНК 2.07.01 ва ушбу ШНК (3,15 ва 3,16-б.б.) талабларини ҳисобга олиш керак.

Изоҳлар: 1. Бир хонадонли хусусий қуриладиган уйлар лойиҳаси, шу жумладан хоналар блокларини қўйиш(достройка) лойиҳаси хусусий турар-жой қурилиш меърий ҳужжатларига мувофиқ ишланади ва келишилади.

2. Хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар блоки, хусусий тадбиркорлик устахоналарини ёпиштириб (жуфтлаб) қуриш лойиҳалари амалдаги меъёрларга (ШНК 2.07.01 ва ШНК 2.08.02) мувофиқ бўлиши ва ўрнатилган тартибда келишилиши керак.

3.4. Жуда зич аҳолили шаҳар қурилиши учун блокланган кам қаватли турар-жойларни ўзаро боғлиқ турар-жой гуруҳлар кўринишида лойиҳалаш, ушбу меъёрлар ва ШНК 2.07.01 талабларини ҳисоб олиб амалга оширилиши керак; бу ҳолда очик ҳовлиларнинг юзаси 3-хонали хонадон учун – 30 м²; 6-хонали хонадонлар учун – 60 м² дан кам бўлмаслиги керак.

3.5. Кўпхонадонли турар-жой уйлар ушбу меъёрлар қоидаларига мувофиқ ва ШНК2.07.01 шаҳарсозлик лойиҳаси талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак. Турар-жой уйлари композицион-тархий (ҳажмий-тархий) ечимлари энергия тежамкорлик ва энергия самарадорлик тамойилларини ҳисобга олиши, яшаш учун қулай шароитларни, кўкаламзорлаштирилган ёндош майдонлар билан боғлиқликни таъминлаши керак. Ҳовли бўшлиқларининг аэрацияси учун қурилиш бўлмаган майдонлар, икки ёқлама очик пиёда ва автомобиль ўтиш йўлаклари кўзда тутилиши мумкин. Бу ҳолда яшаш ҳовлилар транзитдан ажратилган бўлиши керак. Кўпхонадонли уйларнинг 1-қаватларидан шаҳарсозлик лойиҳасига мувофиқ хонадонларга тегишли ер участкаларига чиқиш жойларини (20-50 м²) кўзда тутишга йўл қўйилади.

3.6. Транспорт ҳаракати серкатнов магистрал ва катта кўчалар бўйлаб жойлаштириладиган, «магистрал» ва «акцентли» деб аталадиган турар-жой уйларни, шовқин, чанг, қизишдан тарҳий, конструктив чоралар (усуллар) билан ҳимояланишни таъминлайдиган қилиб лойиҳалаш керак. Бу ҳолда яшаш хоналари ва асосий ёзги хоналарни (айвонлар) магистралга қаратилишини (чиқишини) чеклаб, уларни ободонлаштирилган кўкамламзор яшаш ховлиларга очилишини таъминлаш керак.

Изоҳлар: 1. Хонадонларнинг магистралга ўгирилган яшаш хоналари «шовқиндан ҳимояловчи» махсус конструкцияли деразалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

2. Турар-жойларни магистралларнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш экранлар, тўсқич, тавақали дарчалар, қалин ҳимоя кўкаламзорлаш (маҳаллий шароитлар бўйича) ҳисобига амалга оширилади.

3. Магистрал ва кўчалар қатнов қисмидан турар-жой уйгача масофа ШНК 2.07.01 бўйича қабул қилинади

Квартиралар (хонадонлар)

3.7. Турар-жой майдонининг ижтимоий меъёрларини ҳисобга олиб, фуқароларга бериладиган квартираларда яшаш хоналари ва ёрдамчи хоналар: ошхона, даҳлиз, ванна хона (ёки душ бўлмаси), ҳожатхона (ёки бир хонага жойлашган санузел), омборхона (ёки девор ичига қурилган хўжалик шкафлари) кўзда тутилиши керак. Шунингдек, ёзги хоналар(айвонлар) қуриш тавсия этилади. Квартиралар майдони 1 жадвал ва 7-илова (1-жадв.) кўрсаткичларини ҳисобга олиб қабул қилинади.

1-жадвал

Квартиралар типи	Оила таркиби, одам	Квартира майдони* (ёзги хоналарсиз), м ²	Шу жумладан яшаш майдони, м ²
1-хонали	1	28-30	14-16
1-хонали	2	32-36	18-20
2-хонали	3	48	30
3-хонали	4	64	40
4-хонали	5	80	53
5-хонали	6	96	66
6-хонали	7(8)	114	78

* Квартираларнинг меъёрланадиган майдони (ёзги хоналарсиз ва совуқ кладовкаларсиз) яшаш ва ёрдамчи хоналарни ўз ичига олади.

Изоҳлар:

1. Жадвалда берилган рақамлар, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги «ижтимоий» квартиралари турар-жойларнинг барча турларига тааллуқлидир. Квартиралар майдони 1 яшовчига яшаш майдон 16м² бўлган ижтимоий меъёр ҳисобидан келтирилган (1 одамга 1 хоналидан ташқари).

2. Конкрет (аниқ) шаҳарсозлик шароитларида квартираларининг таркиби ва майдон кўрсаткичлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, аҳоли таркибининг демографик хусусиятларини, қурилишининг ресурс билан таъминланганлигини ҳисобга олиб, лойиҳалаш топшириги билан белгиланади. 3 авлоддан ташкил топган мураккаб оилалар учун хоналар таркиби ва майдонлари (қариялар ва кресло-аравачалардаги ногиронлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда) лойиҳалаш топширигига кўра ўрнатилади.

3.8. 1 одам учун квартирада хона майдони 14 м² дан, 2 одам учун 18 м² дан кам бўлмаслиги керак.

2-3 хонали квартираларда умумий хонанинг майдони 16 м² дан кам бўлмаслиги керак.

Ётоқхона яшаш хонаси майдони 2 киши учун 12 м² дан кам бўлмаслиги керак, ота-оналар ётоқхонаси учун 13-14 м² тавсия қилинади. 1 кишилик ётоқхона хонаси 8 м² дан кам бўлмаслиги керак, қайта-тиклаш (реконструкция шароитида), мансарда қаватида жойлаштирилганда эса 7 м² га йўл қўйилади (квартирада бошқа яшаш хоналари мавжуд бўлганда).

Квартираларнинг барча турларида ётоқхона ва альковлар орқали бошқа хоналарга ўтиладиган бўлмаслиги керак.

Ошхона майдони, одатда, 8 м² дан кам бўлмаслиги керак.

Қайта-тиклаш шароитида бир хонали квартиралар учун ошхоналар ва тахмонсимон ошхоналарни 5 м² қилиб лойиҳалаш мумкин.

I қурилиш – иқлимий зона шароитида 1 кишига ётоқхона-яшаш хонаси 9-10 м² бўлиши, 2 кишига эса 14 м² дан кам бўлмаслиги, 1 хонали квартирада яшаш хонаси 16-18 м² бўлиши керак.

Изоҳлар:

1. Квартиралар яшаш ва ёрдамчи хоналарининг ўлчамлари жиҳозлар зарурий тўплами ва эргономика талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ётоқхонанинг эни, одатда, 2,2 м дан, умумий хонаники эса – 3 м дан кам бўлмаслиги керак.

2. Яхшиланган ва юқори қулайликли квартирадаги хоналарнинг майдонлари: мехмонхона, емакхона, кабинет(кутубхона), болалар хонаси (ўйинлар учун), машк қилиш(тренажер) хонаси, бильярд хонаси, хўжалик кладовкаси, ичкарига қурилган гаражлар, хусусий (шахсий) устахона ва б. лойиҳалаш топшириғи билан аниқланади.

3. Алоҳида иситиш қозони учун хона 5 м² дан кам бўлмаслиги керак.

3.9. Фуқаролар ёки ташкилотлар шахсий маблағлари ҳисобига қуриладиган, нодавлат турар-жой фондининг турар-жой уйлари, оддий, яхшиланган ва юқори қулайликли квартираларни ўз ичига олиши мумкин. Турли қулайлик даражасига эга турар-жойларнинг хусусиятлари ва параметрлари 3-иловада келтирилган Яхшиланган қулайликли квартиралар 1 яшовчига умумий майдон 23 м² дан кам бўлмаслиги, юқори қулайликликка эга бўлганида эса, 1 кишига 30 м² дан кам бўлмаслиги ҳисобидан ва ҳар бир оила аъзосининг алоҳида хона билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Изоҳ: Яхшиланган ва юқори қулайликли квартиралар хоналари таркиби ва майдонлари 7-илова (2-жадв.) кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, муҳандислик ускуналари билан жиҳозланишини эса, 14-илова бўйича қабул қилиниши тавсия қилинади.

3.10. Ошхона эни, жиҳозлар бир томонда жойлашганда 1,7 м дан; икки томонида жойлашганда - 2,2 м дан; даҳлиз эни, одатда, 1,4 м дан, квартира ичи йўлаклари: яшаш хоналарига олиб борувчи – 1,1 м дан, ёрдамчи хоналарга олиб борувчи – 0,9 м дан кам бўлмаслиги керак.

3.11. Ёзги хоналар – айвонлар, балкон, лоджиялар, қаватлардаги квартираларга ёндош ховлилар лойиҳалаш топшириғида кўзда тутилади.

Авария-эвакуация чиқишлари билан қўшилган ёзги хоналар мазкур меъёрларнинг 5.24 бандига мувофиқ бажарилиши керак

3.12. Квартираларнинг санитария-гигиена хоналари ушбу меъёрларнинг 9.6-б бўйича санитария-гигиена асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлик талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши керак.

Ҳожатхоналар қўлювгичлари билан лойиҳаланиб, эни, одатда 1,6 м дан, бирлаштирилган санузелларники эса – 2,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Изоҳлар:

1. Бирлаштирилган ҳожатхоналар кичик ёки юз-қўлювгичга эга ҳожатхонали ёки ётоқхона хоналар қошида бир нечта бирлаштирилган ҳожатхоналари бўлган катта квартираларда қўлланади.

2. Кир ювиш машиналари учун жойни ваннахона ёки бирлаштирилган ҳожатхоналарда, 0,45 x 0,75 м ҳисобида кўзда тутилиши тавсия қилинади.

3.13. Кресло-аравачадаги ногиронлар ётоқхонасидан ташқари, ошхона ва яшаш хоналаридан унитазли хоналарга бевосита киришга йўл қўйилмайди; юқори қулайликли турар-жой ётоқхоналардан киришга йўл қўйилади (лойиҳалаш топшириғи бўйича).

Қуйидагиларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

ҳожатхона ва ванна (ёки душ) хоналарини бевосита яшаш хоналари тепасига;

ошхоналарни бевосита яшаш хоналари тепасига (остига).

Жиҳозлар ва қувурларни(трубопровод) бевосита квартираларни ажратадиган деворларга, яшаш хоналарининг пардеворларига ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Хўжалик хоналари ва иморатлари

3.14. Кўпквартирали турар-жой биноларининг биринчи (ёки цокол) қаватида, супириш-сидириш анжомларини сақлаш учун раковинали кладовкалар кўзда тутилиши керак.

Ертўла ва цокол қаватларда, техник қаватдан ташқари уйда яшовчилар учун хўжалик кладовкаларини жойлаштиришга йўл қўйилади. Кладовкалар жойлаштирилган қаватдан чиқиш, ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ (ШНК 2.01.02), лойиҳалашнинг ушбу меъёрлари талабларини ҳисобга олган ҳолда (6.13, 6.14-б) кўзда тутилиши керак.

3.15. Камқаватли бирквартирали турар-жой уйларда ичига, жуфтлаб (ёпиштириб) қурилган ва алоҳида турувчи хўжалик хоналари ва шахсий меҳнат фаолияти учун хоналар кўзда тутилиши мумкин, уларнинг майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади, лойиҳалари эса ўрнатиган тартибда келишилади.

Парранда ва мол саклаш учун қурилмалар, оқовалаштирилмаган хожатхоналар ва душ хоналар турар-жой уйларига ёпиштириб (жуфтлаб) қурилмаслиги керак, улар санитария-гигиена ва ШНК2.07.01 бўйича ёнғинга қарши талабларини ҳисобга олиб жойлаштирилиши керак.

Изоҳлар:

1. Ёрдамчи ва хўжалик хоналарининг тахминий майдонлари 8-иловада келтирилган.
2. Хўжалик хоналари ва қурилмаларининг баландлиги, одатда, 2,4 м дан кам бўлмаслиги керак.

3.16. Бирквартирали ва блокланган турар-жой уйларида ичига қуриладиган гаражларга (тахминан 3 х 6 м ҳисобида) йўл қўйилади.

Ичига қурилган гараж бошқа хоналардан I–тип ёнғинга қарши пардевор билан ва III–тип ёнғинга қарши қаватёпма билан ажратилиши керак.

Гараж тепасида бошқа хоналар деразалари жойлашганда, дарвоза тепасига ҳимоя соябон кўзда тутилиши керак.

Изоҳ: Автомобиль саклайдиган, ёпиқ, ховли ичкарасига ўтиладиган жойнинг эни 3 м дан кам бўлмаслиги керак.

4. ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАР

Ётоқхоналар

4.1. Ўқувчи, талаба, ёлғиз ва кичикилалиларни вақтинча яшаш учун ётоқхоналарни 2-жадвалдаги кўрсаткичларга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

2-жадвал.

Ётоқхоналар типи	Бинолар сиғими, ўрин	1 яшовчига яшаш майдони, м ² /од.	Сиғими, ўрин	
			хонада	яшаш ячейкасида*
I – ўрта махсус – академлицей ва касб-хунар коллеж талаблари учун	100-600	6-7 (I а ва Iг остминтақалар учун-8)	2-3	4-12 (20 гача мумкин)
II – ОЎЮ талабалари, аспирантлари, ишчи ва хизматчилар учун	100-1000	7-8 (I а ва Iг остминтақалар учун-9)	1-2 (3)	2-6 (8-10 гача мумкин)
III – кичик оилалилар учун (болали)	50-400	шунинг ўзи	2-3	2-3 (квартира типида)
* Яшаш ячейкаси яшаш хоналар ва ёрдамчи хоналар (дахлиз, хожатхона, ошхоналар) ни ўз ичига олади.				
Изоҳ: Ётоқхоналар ва яшаш ячейкалари сиғими лойиҳалаш топшириғида маҳаллий шароитларга қараб белгиланади. Оқовалаштирилмаган ҳудудларда ётоқхоналар сиғими 50 ўриндан ошмаслиги керак.				

4.2. Яшаш хоналари 2-жадвалда кўрсатилган майдон кўрсаткичлари билан 3 кишигача яшаши ҳисобидан лойиҳаланиши лозим.

Хоналар ўтилмайдиган (непроходной) бўлиб, эни 2,2 м дан кам бўлмаслиги керак. Ҳар бир яшовчига, юзаси камида $0,5 \text{ м}^2$ ли, девор ичига қурилган шкаф (яшаш хонаси ёки даҳлизда) кўзда тутилиши керак. Бир кишилик хона юзаси 8 м^2 дан, I а ва I г остминтақада – 9 м^2 дан кам бўлмаслиги керак. Бир болали ота-оналарнинг вақтинча яшаши учун хона юзаси 20 м^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Яшаш хоналари ёрдамчи хоналари (даҳлиз, душли хожатхона, ошхона ёки тахмонсимон ошхона) бўлган яшаш ячейкаларига жамланади. Кичик оилаларнинг вақтинча яшаши учун квартира типдаги – бир хонали квартиралар кўзда тутилади.

Санитария-гигиена жиҳозлари 9.7-бандни ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилиши керак. 3 ва ундан ортиқ кишига мўлжалланган яшаш ячейкаларида юз-қўл ювгичли хожатхона ва душ; 2 кишиликда эса, бирлаштирилган санузел кўзда тутилиши лозим.

Изоҳ: Қаватда санитария бўлмаси умумий бўлганида, аёллар санитария бўлмасида шахсий гигиена кабинаси – 3 м^2 (биде, унитаз, қўловгич) кўзда тутилиши керак

4.3. Барча типдаги ётоқхоналарнинг биринчи каватида лойиҳалаш топшириғи бўйича, кресло-аравачалардаги ногиронлар учун яшаш ячейкалари кўзда тутилиши лозим. Кресло-аравачадаги 1 ногирон учун яшаш хонаси 14 м^2 дан, 2 кишига – 18 м^2 дан кам бўлмаслиги керак. Кресло-аравачалардаги ногиронлар хоналари жиҳозларини амалдаги меъёрлар (ШНК 2.07.02) бўйича қабул қилиш лозим.

4.4. Барча типдаги ётоқхона (I типдан ташқари) яшаш ячейкаларида, майдони камида 5 м^2 ли; яшовчилар сони 7 ва ортиқ бўлса – 1 кишига $0,9 \text{ м}^2$ ҳисобидан ошхона ва тахмонсимон ошхоналар кўзда тутилиши лозим. 25 тагача яшовчилар учун умумий ошхона бўлиши мумкин.

Ўқув биноси ошхонасида овқатланиш ташкил қилинган ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларига мўлжалланган ётоқхоналарда ошхона ўрнига яшаш гуруҳига куб хоналари (5 м^2) кўзда тутилади.

4.5. Ўрта-махсус ўқув юртлари-академицей ва касб-хунар коллеж ўқувчилари учун I тип ётоқхоналарда 50 кишилик яшаш гуруҳи таркибида яшаш ячейкаларини хоналарнинг қуйидаги таркиби билан тўплашни (тузиш) кўзда тутиш лозим: тарбиячи хонаси (8 м^2), дам олиш ва ўқув машғулотлари хонаси (30 м^2 дан 2 та), кийим ювиш, қуриштириш ва дазмоллаш хонаси (8 м^2), ошхона-кубхона (5 м^2), санаб ўтилган хоналарнинг жами майдони 1 кишига $1,6 \text{ м}^2$ ҳисобидан қабул қилиниши керак. Лойиҳалаш топшириғи бўйича иш кийими ва пойафзалини сақлаш учун қўшимча хона ($8-10 \text{ м}^2$) кўзда тутилиши тавсия этилади.

Бир қаватда жойлашган яшаш гуруҳи хоналари бошқа яшовчилар учун ўтиладиган бўлмаслиги керак; бунда ҳар бир яшаш гуруҳи учун икита эвакуация чиқиши кўзда тутилиши керак. Оқовалаштирилган худудларда

санитария бўлмалари ва душ хоналарини биринчи қаватда кўзда тутилиши тавсия этилади.

4.6. Ёлғизлар учун ётоқхоналарда ёзги хоналар ҳар бир қаватда, одатда, жамоат хоналари қошида ёки холларда, (таҳминан 1 яшовчига 1 м² ҳисобидан) кўзда тутилиши керак. Кичикоилалар ётоқхоналарида ёзги хоналар яшаш ячейкалар қошида кўзда тутилади (1 яшовчига 2 м² ҳисобидан, лекин 5 м² дан кам эмас).

4.7. Жамоатчилик хоналари (дам олиш ва мулоқот, ўқув машғулоти ва оммавий тадбирлар учун, медпункт, изолятор), одатда, бинонинг ерустки қаватларида жойлашиши керак. Ерўла ва цокол қаватларда ШНҚ 2.08.02 га мувофиқ, кирсақлаш, асбобукуналар, спорт анжомлари кладовкалари, таъмирлаш устахоналари, хўжалик ва техник, ҳамда баъзи жамоат хоналарини жойлаштириш мумкин.

Жамоат хоналарининг таркиби ва майдонлари 3-жадвал бўйича солиштирма ҳисобий кўрсаткичларни (1 кишига м²) ва 9-илова кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилади.

3 жадвал

Махсус тураржой тип	Майдон, м ² , 1 кишига, яшовчилар сонига, киши				
	50	100	200	300-500	600-800
Ётоқхона					
- ўқувчилар учун	2,6	2,5	2,5	2,5	2,5
- талабалар, аспирантлар	2,6	2,5	2,5	2,5	2,3
- ишчи ва хизматчилар	2,3	2,2	2,2	2,0	1,8
Кичик оилалар ётоқ-хонаси	1,5	1,3	1,2	1,1	-
Изоҳлар:					
1. Ўқув юртлиги ётоқхонаси жамоат хоналари майдонининг меъёри таркибида яшаш гуруҳининг жамоат хоналари ва бутун бинодаги жамоат хоналари ҳисобга олинган.					
2. Болали оилалар вақтинча яшайдиган ётоқхоналарда вестибюлда аравачалар сақлаш ва болаларни қисқа муддат бўлишлари учун хона (санитария бўлмаси билан, камида 15 м ²) кўзда тутилиши тавсия қилинади.					

Қария ва ногиронлар уй-интернатлари

4.8. Уй-интернатлар сифими, хоналар майдони ва таркиби ижтимоий таъминот ташкилотлари топшириғи билан таҳминан 50 дан то 200-300 ўринли (ижтимоий-иқтисодий асослаш бўйича) қилиб белгиланади.

Яшаш хоналарини 1 ва 2 ўринга лойиҳалаш лозим, шу жумладан:

бир ўринли – майдони 10 м², кресло-аравадаги ногирон учун – 14 м²;

икки ўринли – майдони 16 м², кресло-аравадаги ногиронлар учун – 18 м².

Яшаш хоналари яшаш ячейкаларига (дахлиз ва санитария бўлмалари билан) бирлаштирилади, улар ўз навбатида яшаш гуруҳлар ёки бўлимларга жамланадилар. Яшаш ячейкасининг сифими 2-4 ўрин ҳисобидан қабул қилинади.

Изохлар:

1. Доимий парваришга мухтож ва ётгулик (ётиб қолган) шахслар яшаш хоналарини ШНК 2.08.02. бўйича даволаш муассасалари касалхона ва стационарлари палаталари учун меъёрлар бўйича лойиҳалаштириш лозим.

2. Яшаш хоналари қошида души билан санитария бўлмалари кўзда тутилади; яшаш гуруҳи (10-15 яшовчи) ҳисобидан умумий душ ва ванна хоналари кўзда тутилиши мумкин.

4.9. Уй-интернатларда:

яшаш гуруҳи ёки бўлимлари умумий маиший хоналари;

бутун бино ҳисобидан хизмат кўрсатиш хоналари (ошхона ва овқатланиш, маданий-маиший ва тиббий, хизматчи – хўжалик, даволаш – меҳнат) кўзда тутилиши керак.

Жамоат хоналари майдонлари лойиҳалаш топшириғи бўйича 1 яшовчига 9-10 м² ҳисобидан 10-иловани ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

4.10. Боши берк йўлакка чиқувчи хоналарнинг умумий сифими 30 кишидан ошмаслиги керак.

**Қариялар ва кресло – аравачада ногирони бор оилалар учун
ихтисослаштирилган квартиралар**

4.11. Қариялар ва кресло-аравада ногирони бор оилалар учун квартиралари уйларни амалдаги имтиёзли кўчиб кириш ижтимоий меъёрларига мувофиқ лойиҳалаштириш керак. Лойиҳалаш топшириғи бўйича квартиралар типи, хоналар майдони ва таркиби ўрнатилади.

Қариялар ва кресло-аравада ногирони бор оилалар квартираси хоналарини тахминий таркиби ва майдони 11-иловада келтирилган.

4.12. Бир хонали квартира яшаш хонасининг майдони 16 м², 2 кишига 18-20 м² бўлиши керак. Икки хонали квартирада умумий хона 16 м² дан, кресло-аравада ногиронли квартирада 18 м² дан кам бўлмаслиги керак.

Ётоқ хоналари майдони: бита қарияга – 10 м², бита ногиронга – 14 м², икки қария эр-хотинга – 16 м², кресло-аравада ногирон эр-хотинга – 18 м² дан кам бўлмаслиги керак.

Ошхона 8 м² дан, эни 1,8 м дан кам бўлмаслиги керак. Ногиронлар оиласи квартираси ошхонасининг эни 2,2 м дан кам бўлмай, ошхона юзаси ўртасида аравача ҳаракатланиши учун 1,4 х 1,4 м ли жой (зона) кўзда тутилиши керак.

Кресло-аравада ногиронли квартира дахлизининг эни 1,8 м дан, ички йўлақлар эни – 1,35 м дан, эшиклар эни 0,9 м дан кам бўлмаслиги керак;

Ногиронлар оиласи квартирасида ёзги хоналарнинг эни 1,6 м, юзаси 8 м² дан кам бўлмаслиги керак.

Кресло-аравада ногирони бор оилалар квартираси дахлизида кресло-аравача сакланадиган жой (0,9 х 1,5 м) кўзда тутилиши керак.

4.13. Квартиралар санитария-техника жиҳозлари 9.6-б.га мувофиқ, ҳожатхона бирлаштирилган санитария бўлмалари хоналари ўлчамлари 3.12-б.га мувофиқ қабул қилиниши керак.

Ногирон ётоқ хонаси қошидаги санузел камида 2,2 х 2,2 м қилиб лойиҳаланади, жиҳозлари ШНК 2.07.02 бўйича қабул қилинади, киришлар ётоқ хонасидан ва ички йўлакдан (ёки даҳлиздан) кўзда тутилади.

4.14. Қариялар ва ногиронлар оилалари учун мўлжалланган квартирали уйларда жамоат хизмат кўрсатиш хоналари лойиҳалаш топшириғи бўйича 1-яшовчига 1,5 – 2,5 м² ҳисобидан қабул қилинади; ичкарига қурилган хизмат кўрсатиш хоналарининг тахминий таркиби 12-иловада келтирилган.

Изоҳ: Ногиронларни уйда ёки жамоат бўлиб ишлаши учун устахоналар лойиҳалаш топшириғи бўйича кўзда тутилади.

5. ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ, ЭВАКУАЦИЯ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Турар-жой биноларни лойиҳалашда ушбу меъёрлар ва ШНК 2.01.02 талабларини, шу жумладан функционал ёнгин хавфи бўйича бинолар классификацияси ҳисобга олиниши керак.

ф1.1 – қариялар ва ногиронлар уй-интернатлари;

ф1.2 – ётоқхоналар;

ф1.3 – кўпквартирали турар-жой уйлар, шу жумладан қариялар ва ногиронлар учун квартирали уйлар;

ф1.4 – бирквартирали ва блоклаштирилган турар-жой уйлар.

Квартирали турар-жой биноларнинг йўл қўйилган баландлиги ва ёнгина оид бўлинма чегарасидаги қават юзаси ўтга чидамлилиқ даражаси ва конструктив ёнгин хавфи классига қараб 4-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

4 жадвал

Бинонинг ўтга чидамлилиқ даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилиқ классификацияси	Бинонинг йўл қўйилган энг катта баландлиги, м	Қаватнинг ёнгина оид бўлинмасининг йўл қўйилган энг катта юзаси, м ²
I, II	CO	50	2500
II	CI	28	2200
III	CO	22	1800
	CI	16	1600
IV	CO	5	1000
		3	1400
	C1	5	800
		3	1200
		5	500
V	меъёрланмайди	3	900
		5	500
		3	800

Изоҳлар:

1. Бинонинг иситилмайдиган жуфтланган иморатлари ўтга чидамлилиқ даражасини, бинонинг иситиладиган қисмининг ўтга чидамлилиқ даражаси бўйича қабул қилиш лозим.

2. Шамолнинг ойлик ўртача тезлиги 4 м/сек ва ундан юқори ҳудудларда, жадвал кўрсаткичлари 0,7 коэффицент билан қабул қилинади.

Бино баландлиги, устки техник қават ҳисобланмаганда, юқориги қаватнинг жойлашиш баландлиги билан аниқланади, қаватни жойлашиш баландлиги эса, ўт ўчириш машиналари юрадиган юза сатҳи билан, ташқи девордаги очиладиган дераза таги сатҳининг фарқи билан аниқланади.

5.2. Қариялар ва ногиронлар оиласига мўлжалланган квартирали уйлар, қариялар ва ногиронлар уй-интернатларини ўтга чидамлилиқ даражаси II дан паст бўлмаслиги керак.

5.3. Ётоқхона биноларида ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги қаватнинг юзаси ва бинонинг энг катта баландлиги ўтга чидамлилиқ даражаси ва конструктив ёнғин хавфлилиги классига қараб: секция типдаги турар-жой бинолардаги ётоқхоналар учун – 4-жадвал бўйича, йўлакли типдаги бинолардаги ётоқхоналар учун эса – 5-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

5 жадвал

Бинонинг ўтга чидамлилиқ даражаси	Бинонинг конструктив ёнғин хавфлилиги классификацияси	Бинонинг йўл қўйилган энг катта баландлиги, м	Қаватнинг йўл қўйилган энг катта юзаси, м ²
I, II	CO	28	2500
	CI	16	1000
III	CO	15	1000
	CI	9	1200
IV, V	Меъёрланмайди	3	400

IV ва V ўтга чидамлилиқ даражасига эга ётоқхона биноларининг ёнғин бўлинмаларини, иккитадан ортиқ ёнғин бўлинмалари тўсилганда, 2-типдаги ёнғинга қарши девор билан ажратишга йўл қўйилади.

5.4. I, II ва III оловбардошлиқ даражасидаги биноларда юк кўтарувчи элементларнинг талаб қилинадиган оловбардошлиқ чегарасини таъминлаш учун конструктив ёнғиндан ҳимоялашни қўллашга йўл қўйилади.

I, II ва III оловбардошлиқ даражасидаги биноларда секциялараро девор ва пардеворлар, бошқа хоналардан умумий йўлакни ажратувчи пардеворлар камида EI45, IV оловбардошлиқ даражасидаги биноларда – камида EI15 оловбардошлиқ чегарасига эга бўлишлари керак .

I, II ва III оловбардошлиқ даражасидаги биноларда квартиралараро юк кўтарувчи девор ва пардеворлар камида EI30 оловбардошлиқ чегарасига ва КО ёнғин хавфи классига, IV оловбардошлиқ даражасидаги биноларда – камида EI15 оловбардошлиқ чегарасига ва K1 дан паст бўлмаган ёнғин хавфи классига эга бўлишлари керак.

Хоналараро пардеворларнинг (шу жумладан шкафли, йиғилиб-ажралувчи, эшикли ва суриладиган) ёнғин хавфи классификацияси меъёрланмайди.

5.5. I, II ва III оловбардошлиқ даражасидаги галереяли (бинонинг олд томонида узун умумий йўлакли) уйлар галерея (узун айвон, йўлак)лари конструкцияларининг R белгиси бўйича оловбардошлиқ чегараси бинонинг

каватёмалари учун қабул қилинган қийматларга мос бўлиши ва КО ёнғин хавфи классига эга бўлиши керак. IV оловбардошлик даражасидаги биноларда галереялар конструкциялари камида R15 оловбардошлик чегарасига ва КО ёнғин хавфи классига эга бўлишлари керак.

5.6. IV оловбардошлик даражасидаги икки қаватли бинолар юк кўтарувчи элементлари камида R30 оловбардошлик чегарасига эга бўлишлари керак

5.7. Юқори зичликка эга камқаватли қурилишларда (1-2 қаватли уйлар билан) яшаш блоклари ўртасидаги узилиш ШНК 2.07.01 бўйича қабул қилиниши керак. Бунда ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги юза 600 м² дан ошмаслиги керак.

5.8. I, II ва III оловбардошлик даражасидаги бинолар устига 4 жадвалда ўрнатилган бинонинг баландлигидан қатъий назар, R 45дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасига ва КО ёнғин хавфи классига эга юк кўтарувчи элементлари бўлган битта мансарда қаватини қуришга йўл қўйилади. Ушбу қават ташқи деворлари, устига қурилаётган қуйи қават конструкцияларига қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

5.9. Биноларда 150м ораликда транспорт ўтадиган эни 3,5 м дан, баландлиги 4,25 м дан кам бўлмаган йўлаклар кўзда тутилиши керак. Зинапоя бўлмаларида ўтиш йўлаклари ҳар 100м масофада жойлашган бўлиши керак.

Транспорт ўтиш йўлақларини икки қарама-қарши томонида ўт ўчириш гидрантлари ўрнатилганда, зинапоя бўлмаларида ўтиш йўлаклари бўлмаслиги мумкин.

5.10. 3 ва унда ортиқ қаватли биноларда лоджия ва биноларни ўраш (ойнаванд конструкциялардан ташқари) ёнмайдиган материаллардан бажарилиши керак.

5 ва ундан ортиқ қаватли I, II ва III оловбардошлик даражасидаги биноларда ташқи соябонлар ёнмайдиган материаллардан бажарилиши керак. Бунда соябон конструкцияси ўт ўчирувчилар ва қутқарувчиларни квартирага кириши ва ундан яшовчиларни эвакуация қилиш имкониятини таъминлаши керак.

5.11. Ичига – ёпиштириб қурилган қисми томининг юк кўтарувчи конструкцияларининг оловбардошлик чегараси R45 дан кам бўлмаслиги ва ёнғин хавфи классига КО бўлиши керак. Турар-жой уйда, бинонинг ичига – ёпиштирилган қисмига қаралган деразалар бўлганда, туташган жойда том сатҳи, асосий бинонинг юқори қаватларида жойлашган яшаш хоналари поли сатҳидан баланд бўлмаслиги керак; том ёпма иситгичи (утеплитель) ёнмайдиган бўлиши керак.

5.12. Чордоқли томларда томқопламаси, стропиллар ва обрешеткаларни ёнадиган материаллардан қилиш мумкин. Чордоқли биноларда (V оловбардошлик даражасидаги ўтга чидамли бинолардан ташқари) стропиллар ва обрешеткалар ёнувчи материаллардан қилинганда, томқоплама ёнмайдиган бўлиши, стропиллар ва обрешеткаларга эса, ўтдан ҳимоялаш

ишлови берилиши керак. Бу конструкцияларни конструктив ҳимоялаш таъминланганда, улар ёнишни ичкаридан тарқалиш имконини вужудга келтирмасликлари керак.

5.13. Жамоат хоналари яшаш қисми хоналаридан 1-тип пардевор ва 3-тип тешикларсиз қаватёпма билан, I оловбардошлик даражасидаги биноларда 2-тип қаватёпма билан ажратилиши керак.

Эвакуация йўллари

5.14. Қаватдан эвакуация чиқишлар сони ва зинапоя бўлмалари типлари ёнғин хавфи бўйича бинолар таснифини ҳисобга олган ҳолда ШНК 2.01.02 га мувофиқ қабул қилинади.

Баландлиги 28 м гача (28 м ҳам) турар – жой биноларда ҳар қаватда ташқи деворда деразаси бўлган Л1 типдаги оддий зинапоя бўлмалари қурилиши керак.

Баландлиги 3 қаватдан кўп бўлмаган, I ва II оловбардошлик даражасидаги секция типдаги турар-жой биноларида Л2 тип зинапоя бўлмаларини қўллашга йўл қўйилади; зинапоя бўлмаларини ёритиш томдаги юзаси 4 м² дан кам бўлмаган ёруғлик тушадиган проёмлар орқали лойихаланади. Бунда иккинчи ва учунчи қават ҳар бир квартирасида балкон ёки лоджия, ҳамда зинапоялар (маршлар) оралиғи(бўшлиғи) 0,7 м дан кам бўлмаган, зинапоя бўлмасини бутун баландлигида 2 м² дан кам бўлмаган горизонтал кесим юзага эга ёруғлик тушиш шахтаси кўзда тутилиши керак.

Зинапоя бўлмаларида бинога ёндош очик жойга (ташқарига) бевосита ёки ёндош йўлаклар эшикли пардеворлар билан ажратилган вестибюллар орқали чиқиши бўлиши керак.

Изоҳ: Зинапоялар ва зинапоя бўлмалари типлари бўйича тавсиялар 1А-иловада келтирилган.

5.15. Квартиралар ва ётоқхона хоналари эшикларидан зинапоя бўлмасига ёки ташқарига чиқиш жойигача бўлган энг олис масофалар б-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

Турар-жой бино секциясида квартирадан охирида юзаси 12 м² дан кам бўлмаган деразасиз йўлакка (холл) чиқишда, энг узоқ жойлашган квартира эшигидан бевосита зинапоя бўлмасига ёки тутунланмайдиган зинапоя бўлмасининг ҳаво бўшлиғи зонасига олиб борувчи тамбургача бўлган масофа 12 м дан ошмаслиги керак; йўлакда (холлда) дераза бўлса ёки тутун йўқотиладиган бўлса, бу масофа б-жадвал бўйича, боши берк йўлак учун каби қабул қилиниши мумкин.

5.16. Йўлакнинг эни: зинапоялар оралиғи ёки йўлак охири билан зинапоя оралиғи 40 м гача бўлганда – 1,4 м, 40 м дан юқори – 1,6 м. Галереянинг эни 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Йўлакларни бир биридан ва йўлак охиридан 30 м гача масофада жойлашган, ёпгичлар билан жиҳозланган, оловбардошлиги EI30 бўлган эшикли пардеворлар билан ажратиш керак.

Оловбардошлик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилик классификацияси	Квартира ёки ётоқхона хонаси эшигидан чиқишгача бўлган энг олис масофа, м	
		Зинапоя бўлмалари ёки ташқи киришлар оралиғида жойлашганда	Боши берк йўлак ёки галереяга чиқишда
I, II	CO	40	25
II	C1	30	20
III	CO	30	20
	C1	25	15
IV	CO	25	15
	C1, C2	20	10
V	Меъёрланмайди	20	10

5.17. Зинапоя(марш)лар ва нишаб йўлаклар (пандуслар) кенглиги ва қиялиги, поғоналар баландлиги ва эни, зинапоя майдончалари эни, зинапоялар, ертўла, фойдаланиладиган чордоқлар бўйича ўтиш жойларининг баландлиги, ҳамда эшикларнинг ўлчами, ҳаракатланиш(ўтиш) қулайлиги ва хавфсизлигини, квартира ва ичига қурилган жамоат хоналарига керакли бўлган нарса ва жиҳозларни ташиш имкониятини таъминлаши керак.

Поғоналар баландлиги ва кенглиги ҳар хил бўлган зинапояларни қўллашга йўл қўйилмайди. Бита зинапоя(марш) ёки сатҳлар фарқида кўтарилишлар (поғоналар) сони 3 тадан кам, 18 тадан кўп бўлмаслиги керак. Зинапоялар(маршлар) ва унинг майдончаларида, нишаб йўлакларда дастали тўсиқлар, қариялар ва ногирон оилаларга мўлжалланган квартиралар уйларда, уй-интернатларда – деворга ёпишган қўшимча тутқичлар бўлиши керак.

Зинапоялар (маршлар)нинг энг кўп қиялиги ва энг кам кенглиги 7- жадвалга мувофиқ қабул қилиниши керак.

Зинапоя маршлари ишлатиладиган жойлар	Энг кичик кенлиги, м	Энг катта қиялиги
Биноларнинг яшаладиган қаватларига олиб борадиган зинапоялар:		
- секцияли:		
- икки қаватли	1,05	1:1,5
- уч ва ундан кўп қаватли	1,05	1:1,75
- йўлаккли	1,2	1:1,75
Ертўла ва цокол қаватларга олиб борувчи, ҳамда квартира ичидаги зинапоялар (маршлар)	0,9	1:1,25
Изоҳлар:		
1. Зинапоя маршининг эни, тўсиқлар орасидаги ёки девор ва тўсиқ орасидаги масофа билан белгиланади.		
2. Квартира ичидаги зинапояларни ёғочдан қилиш мумкин. Зинапоялар винтсимон ёки ўртасидаги кенлиги 18 см дан кам бўлмаган қочирин (забежные) погонали бўлиши мумкин.		
3. Зина майдончасининг кенлиги зинапоя(марш) кенлигидан кам бўлмаслиги керак, тавақалари ташқарига очиладиган лифтлар олдида эса 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак.		

4. Зиналарнинг тўғри маршиларидаги оралиқ майдончаларнинг кенглиги 1 м дан кам бўлмаслиги керак.

5. Зина бўлмасига чиқадиган эшиклар очилган ҳолатида, зина майдончаси ва маршиларининг ҳисобий кенглигини камайтирмаслиги керак.

5.18. Зина, қия йўлкача (пандус), майдонча, терраса, балкон, лоджия, том, ҳамда сатҳлари фарқли (баланд-паст) жойларда тўсиклар баландлиги 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

5.19. Қариялар ва ногирон оилалар квартиралари бор уйларда бинога кираверишда, вестибюлда, лифт ва ахлат ташлагич яқинида, йўлакларда поғоналар(зиналар) ва остоналар бўлмаслиги керак. Бундай ҳолларда эни 1,2 м дан кам бўлмаган қиялиги 1:20 дан кўп бўлмаган нишаб йўлакчалар кўзда тутилиши керак. Квартирадан ташқаридаги йўлаклар кенглиги 1,8 м дан кам бўлмаслиги, эшиклар эни – 0,9 м дан кам бўлмаслиги, керак.

5.20. Баландлиги 28 м гача бўлган биноларда Л1 оддий зина бўлмаларида ахлат ташлагичларини ўтказиш, қават қўшимча электроцитлари, иситиш асбобларини, почта қутиларини ўрнатишга йўл қўйилади, бунда зинапоялар ва майдончаларнинг меъёрий энини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Оддий зина бўлмалари ҳажмида қоровулхонадан ташқари хоналар бўлмаслиги керак. Биринчи, ертўла цокол қават зинапоялари остида иситиш тармоғини бошқариш, сув ўлчаш, электр кириши-тақсимланиши қурилмаларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

5.21. Зина бўлмалари ҳажмида, тутунланмайдиганидан ташқари, биринчи қаватдан пастга тушмайдиган, оловбардошлик чегараси меъёрланмаган ёнмайдиган материалдан қилинган тўсувчи лифт шахталари конструкцияларига эга, икитагача пассажир лифтлари жойлаштиришга йўл қўйилади.

5.22. Йўлакчи ва галерея типдаги биноларда зина бўлмалари ва лифт холлари ҳар қандай хоналар ва ҳар бир қаватдаги йўлаклардан тавақаларида зичлагичли ёпгичлар билан жиҳозланган эшиклар билан ажратилиши керак. Ойнаванд эшикларнинг ойнаси ўзакланган бўлиши керак.

5.23. Баландлиги 15 м дан кам, Ia, Ib ва II қурилиш-иклимий зоналар учун лойihalаштирилаётган турар-жой биноларда зина бўлмалари ўрнига оловбардошлик чегараси R60 дан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан бажарилган, ёғингарчиликдан ҳимояланган ташқарида очиқ зиналар қўллашга йўл қўйилади.

5.24. Секция мадони 500 м² гача бўлган секция типдаги турар жой биноларда секция қаватидан Л1 типдаги бита оддий зина бўлмасига эвакуация чиқишини кўзда тутишга йўл қўйилади. Бунда 15 м дан юқорида жойлашган ҳар бир квартирада балкон ёки лоджияга чиққан деразалар ораси камида 1,6 м ёки балкон (лоджия) четидан(торец) деразагача камида 1,2 м ли ёпиқ девори бўлган балкон ёки очиқ (ойналанмаган) лоджияга авария эвакуация чиқиши кўзда тутилиши керак. Қаватда тўрт квартирадан ортик

секцияларда уч ва ундан ортиқ хонали квартираларда эни 1,2 м дан кам бўлмаган балкон ёки лоджияга чиқадиган деразалар ораси 1,6 м дан кам бўлмаган ёпиқ деворли балкон ёки лоджия бўлиши керак.

Икки қаватда (сатҳда) жойлашган квартираддан, квартира хоналари 6-қаватдан юқори жойлашмаган ва зина бўмасига бевосита чиқиши бўлмаган квартира қавати ушбу банд талабларига мувофиқ қўшимча чиқиш билан таъминланган бўлса, зинапоя бўлмасига ҳар бир қаватдан чиқиш кўзда тутилмаслиги мумкин

5.25. Қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² дан ортиқ секцияларда эвакуация камида икита оддий ёки тутунланмайдига зинапоя бўлмасига амалга оширилиши керак. Қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 дан 550 м² гача бўлганда, квартираларда адресли ёнғиндан хабарловчи датчиклар ўрнатилган бўлса ва 5.24-б. талаблари бажарилганда, квартираддан оддий зина бўлмасига чиқиш бўлишига йўл қўйилади.

5.26. Баландлиги 28 м гача, қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² ва ундан кўп йўлакли (галереяли) типдаги турар жой биноларда, умумий йўлақлар (галереялар) камида 2 та Л1 типдаги оддий зина бўлмасига чиқиши бўлиши керак. Умумий майдони 500 м² дан кам бўлганда, битта оддий Л1 типдаги зина бўлмасига чиқишга йўл қўйилади. Бу ҳолда йўлақлар (галерея) охирида 3-тип ташқи зиналарга чиқиш кўзда тутилиши керак

Оддий зина бўлмаси бинони охирида жойлашганда, 6-жадвал талаблари бажарилганида, йўлақ (галерея)ни қарама-қарши томонида (охирида) битта 3-тип зина қилишга йўл қўйилади.

5.27. Ташқаридан кириладиган ётоқхона биноларида узунлиги 1,2 м дан кам бўлмаган, ногиронлар уйларида-узунлиги 1,6 м, эни 2,2 м дан кам бўлмаган тамбурлар қилишга йўл қўйилади.

5.28. Одамларни (пиёдаларни) бино отмоствалари бўйлаб ўтказмайдиган чоралар кўрилиши, ҳамда химоя соябон ёки бостирмалар қуриб, устларига ойна синиқлари(бузилиш натижасида) тушишдан саклаш кўзда тутилиши лозим.

28 м дан баланд биноларга қўшимча талаблар

5.29. Қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² гача, 28 м дан юқори секцияли ёки секция-галереяли биноларда битта тутунламайдиган Н1 тип зина бўлмасига ёки у билан туташган очик йўлақларга чиқиш кўзда тутилиши керак. Бу ҳолда 15 м дан юқори жойлашган ҳамма квартиралар учун 5.24-б. талабларига мувофиқ, балкон ёки очик лоджияларга эвакуация чиқишлари кўзда тутилиши керак.

Тутунланмайдиган зина бўлмалари биринчи қават доирасида бевосита ташқарига чиқиши керак. Н1 типдаги тутунламайдиган зина бўлмасидан ташқарига чиқиш, ёндош(туташ) йўлақларни 1-типдаги ёнғинга қарши пардеворлар билан ажратилган (тўсилган) вестибюль орқали бўлишига йўл қўйилади. Бу ҳолда зина бўлмасини вестибюль билан алоқаси (ўтилиши)

бошқа қаватлардаги каби ҳаво зонаси орқали бўлиши мумкин; ҳаво зонаси проёмини 1-қаватда металл панжара билан тўсишга йўл қўйилади.

5.30. Қаватдаги квартиралар умумий майдони 500 м² дан ортиқ секцион-галереяли биноларда чиқиш камида иккита оддий ёки тутунланмайдиган зина бўлмасига кўзда тутилиши керак. 5.24. ва 5.29-б. лар талаблари бажарилганда ва квартира хоналари адресли ёнғиндан ҳабарловчи датчиклар ёки автомат ўт ўчирувчилар билан жиҳозланганда битта тутунланмайдиган Н1 типдаги зина бўлмасига чиқишга йўл қўйилади.

5.31. Н1 типдаги зина бўлмаси ташқи ҳаво зонасига лифт холлидан ўтишга йўл қўйилади, бунда лифт шахталари ва ундаги эшик қурилмалари ШНҚ 2.01.02 га мувофиқ бажарилиши керак.

Ҳаво зонаси орқали Н1 типдаги зина бўлмасига ўтувларнинг тутунланмаслиги уларнинг ҳажмий-тарҳий ва конструктив ечимлар билан таъминланиши керак: бу ўтувлар очик бўлиб, бинонинг ички бурчакларида жойлашмаслиги ва эни камида 1,2 м, тўсиқ баландлиги 1,2 м бўлиши керак; ташқи ҳаво зонасидаги эшиклар орасидаги девор кенглиги камида 1,2 м, зина бўлмаси эшиги билан энг яқин дераза ораси деворининг кенглиги – камида 2 м бўлиши керак.

5.32. 28 м дан баланд биноларда ёнғинда лифт шахтасининг юқори қисмига алоҳида канал орқали ташқи ҳаво беришни таъминлаш керак. Бунда лифт шахтасида ортиқча босим ҚМҚ 2.04.05 га биноан ҳисоб бўйича қабул қилиниши керак.

Ҳаво босими ва тутунни ҳайдаш вентиляция қурилмалари 1 типдаги ёнғинга қарши пардеворлар билан тўсилган алоҳида вентиляция камераларида жойлаштирилиши керак. Вентиляторларни квартиралар дахлизлари, ётоқхона хоналари ва маданий-маиший хизмат хоналарида ўрнатилган ёнғин сигнализацияси ҳабарбергичларидан автомат тарзда, ҳамда ҳар қаватдаги ўт ўчириш крани шкафларида ўрнатилган тугмачалардан масофадан улашни кўзда тутиш керак.

5.33. 28 м дан баланд биноларда томларига ва туташтириб қурилган қозонхона ўрнатишга йўл қўйилмайди.

5.34. Йилига ўртача 20 ва ундан кўп соат давомли момақалдиروқли ёмғир бўладиган жойларда 400 м радиус теваарак атрофдаги қурилишлардан 25 м дан ортиқ қўтарилиб турган, ҳамда бир-биридан 400 м дан олисроқ алоҳида турган 30 м дан баланд бинолар бевосита яшин урилишидан ва ер усти металл конструкциялар орқали юқори кучланиш тоқларидан ҳимоя билан жиҳозланиши керак

6. ЯШАЛМАЙДИГАН ҚАВАТЛАР

6.1. Янги қурилиш лойиҳаларида кўпквартирали турар-жой уйларнинг цокол, биринчи ва иккинчи қаватларида, яшаш шароитини ёмонлашишига ва хавфсизлигини бузишга олиб келувчи (шу жумладан яшаш муҳитининг

санитария-гигиена сифатини, тинчлигини, ёнғин хавфсизлигини бузиш) объектлардан ташқари, маданий – маърифий ва савдо-маиший хизматга мўлжалланган хоналар, ҳамда идора, офислар, хусусий юрист, врач қабулхоналари ва бошқалар жойлаштирилиши мумкин.

Жамоат хоналари жойлашган яшалмайдига қаватнинг баландлиги ШНҚ 2.08.02 га биноан қилиниши керак; яшаладиган қават баландлиги кўлланилишга ҳам йўл қўйилади.

Жамоат хоналарини лойиҳалашда, уйнинг яшаш муҳитини бўлиши мумкин бўлган ёмон таъсирлардан ҳимоя чоралари ушбу меъёрларга мувофиқ кўзда тутилиши керак.

6.2. Кўпквартирали турар-жой уйларнинг ички – туташтириб қурилган хоналарида қуйидагиларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

савдо майдони 1000 м² дан ортиқ магазинлар, ихтисослашган балиқ ва сабзаёт магазинлари, ёнғинга хавфли модда ва (бўёқчилик-кимёвий товарлар, маиший химия, синтетик гилам буюмлар, қурилиш материаллари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, мойлари ва шиналари), ҳамда кийилган кийим сотиш комиссияси магазинлар (“секонд хенд”);

35 ўрндан кўп бўлган, очик кўра ва манқол ишлатиб иссиқ овқат тайёрлайдиган, мусиқа жўрлигига эга овқатланиш корхоналари;

соат 22 дан кейин ишлайдиган барча хизмат кўрсатиш корхоналари;

таъмирлаш-ишлаб чиқариш устахоналари(кийим, бош кийим тикиш ва трикотаж буюмлар тўкиш устахоналаридан ташқари);

жараёнлари шовқинли ва енгил алангаланувчан материаллар кўлланиладиган маиший хизмат корхоналари, сартарошхона, майда маиший асбобларни таъмирлаш устахонаси, кирхона ва кимёвий тозалаш қабул пунктлари, қуввати сменада 75 кг кирдан ошмайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш автоматлашган кирхоналар, ҳамда ногиронлар меҳнат қилиши учун 10 тагача иш жойили (Д категорияли) йиғиш ва безак ишлари кичик устахоналаридан ташқари;

хаммом ва сауналар, соғломлантириш корхоналари, спорт заллари (тренажер залларидан ташқари);

юзаси 100 м² дан ортиқ автоматлашган телефон станциялари, шаҳарлараро сўзлашиш пункти;

клиника – тахшис ва бактериология лабораториялари, ҳамма турдаги стационар ва диспансерлар, тиш техника лабораторияси, магнитрезонанс томография кабинетлари, рентгенкабинетлари ва ионловчи нурланиш манбаи бўладиган асбоб-ускунали бошқа хоналар, тез ёрдам кичик станциялари, травмопункт, юқумли касаллик-врачи, физиотерапевт, дерматолог, венеролог, психиатр хоналари, ҳамда ветеринар хона ва лабораториялари;

жамоат ҳожатхоналари, дафн қилиш маросимлари бюроси;

ички ва туташ қуриладиган трансформатор подстанциялари;

ишлаб чиқариш устахоналари.

Турар жой биносида ҳамда унинг томи ва конструкцияларида жамоат аҳамиятига эга бўлган бинога хизмат кўрсатишга мўлжалланмаган, ўзидан

зарарли моддалар ажратувчи , шовқин ва вибрация ҳосил қилувчи, ёмон таъси р кўрсатувчи нурланиш манбаи бўлган қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди, ушбу меъёрларга мувофиқ турар жой биноларида жойлаштириладиган штатли ускуна бундан мустасно.

Яшаладиган ва техник қаватларда, чордоқларда кўчма ёки бошқача радиоалоқа база станцияси ва бошқа радиоузатувчи қурилмаларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Яшалмайдиган жамоатчилик ва маъмурий- хизматчилик хоналарида ШНҚ 2.08.02 га мувофиқ автоматик ёнғин сигнализацияси, ёнғиндан хабарлаш, автоматик ўт ўчириш кўзда тутилиши керак.

Синтетик буюмлар (гуллар, гиламлар) сотувчи магазинларни турар-жой биноларнинг оловбардошлик чегараси REI150 бўлган ёпиқ деворларига туташган хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Лойихаланаётган кўп-квартирали 5 ва ундан кўп қаватли турар-жой уймажмуаларнинг ички-туташган хоналарида кам сифимли (1-2 группага) болалар ясли-боғчаси ва болаларни қисқа муддатда бўладиган хоналари ташқарига ўз мустақил чиқуви билан ва ШНҚ 2.08.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилиши мумкин.

6.3. Қурилган ва фойдаланаётган турар-жой уйларни реконструкция қилишда биринчи қаватда кичик савдо-маиший корхоналар, ҳамда идора ва офисларни ушбу меъёрлар талабларига мажбурий риоя қилган ҳолда ва манфаатдор инстанциялар, шу жумладан шу уйда яшовчилар билан келишилган тақдирда лойихалашга йўл қўйилади. Қуйидагиларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди: савдо юзаси 40м² дан ортиқ магазинлар, 20 ўрндан ортиқ, иссиқ овқат тайёрлайдиган овқатланиш корхоналари, 6 иш жойидан ортиқ сартарошхона, ишловчилар сони 10 тадан ортиқ офис ва идоралар, ишлаб-чиқариш жараёнлари бўлган маиший хизмат корхоналари, кийим тикиш ва таъмирлаш, кичик устахоналар ва қабул пунктларидан ташқари.

Биринчи қаватда хусусий меҳнат фаолияти учун хоналарни жойлаштиришга, юқорида кўрсатилган чеклашлар ҳисобга олинганда ва тегишли келишувлар, шу жумладан турар-жой эгалари билан ҳам бўлгандагина йўл қўйилади.

Мавжуд бинолар техник тағхоналари ва ертўлаларини хизмат кўрсатиш корхоналари ва хусусий бизнес устахоналарини жойлаштириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

6.4. Турар-жой уйларнинг юқори қаватида расом ва архитекторларнинг хусусий ижодий устахоналари, ҳамда ишловчилар 5 тагача бўлган офислар жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда қаватнинг зина бўлмаси билан алоқаси тамбур орқали кўзда тутилиши керак.

6.5. Кўпквартирали уйларда жойлашган жамоатчилик хоналари яшаладиган қисмидаги хоналардан 1-типтаги ёнғинга қарши пардеворлар ва 3-типтаги проёмсиз қаваттёпма билан, 1-даражали оловбардошликка эга биноларда – 2-тип қаваттёпма билан ажратилиши керак.

6.6. Ичига қурилган жамоатчиликка хизмат кўрсатувчи муассаса хоналаринг (яшовчиларга мўлжалланган махсус жамоатчилик хоналаридан ташқари) бинонинг яшаладиган қисмидан ажратилган алоҳида кириш ва чиқишлари бўлиши керак.

Умумий майдони 300 м² дан кўп бўлмаган ва ишчилар сони 15 тагача бўлган биринчи ва цокол қаватда жойлашган жамоатчилик хоналаридан битта эвакуация чиқиши бўлишига йўл қўйилади.

Ички ва ички-туташтириб қурилган хизмат кўрсатиш корхоналарига уйга кириш томондан юк туширишга йўл қуйилмайди. Юк тушириш бинонинг ойналари бўлмаган ён томонидан махсус юк тушириш жойлари билан кўзда тутилиши керак, йирик магазинлар учун эса туннелдан ер ости юк тушириш кўзда тутилиши керак. Ички қурилган, майдони 150 м² гача бўлган жамоат хоналарига юк тушириш жойи лоиҳаланмасликка йўл қўйилади.

6.7. Техник тағхона турар-жой биноларда муҳандислик тармоқларини жойлаштириш (ўтказиш) учун мўлжалланган.

Ертўла қаватда жойлашган ва муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш ва коммуникацияларни ўтказишга мўлжалланган хоналар, бошқа хоналардан ёнғинга қарши пардеворлар билан ажратилиши керак.

Техник тағхонанинг ҳар бир пардевор ва ички деворида, ёнғинга қарши тўсиқлардан ташқари, шип остида ҳар бирининг юзаси 0,02м² дан кам бўлмаган туйнуқлар кўзда тутилиши лозим.

Жамоат хоналарининг яшаладиган қисмидан ўтадиган муҳандислик тармоқлари, ёки яшаш қисмининг ички қурилган хоналардан ўтадиган коммуникациялари (сув ва иситиш метал трубаларидан ташқари) ёнғинга қарши пардеворлар билан тўсилган мустақил(алоҳида) шахталарда ўтказилиши керак.

Техник тағхоналарнинг пол сатҳидан қаватёпма остигача бўлган баландлиги – 1,8 м дан; хусусий иссиқлик пунктларининг баландлиги – 2,2 м дан кам бўлмаслиги керак

6.8. Чордоқларда, шу жумладан техник чордоқларда, бинони узунлиги бўйлаб охиригача, баландлиги 1,6 м дан, эни 1,2 м дан кам бўлмаган икки ёғи очик ўтиш кўзда тутилиши керак; узунлиги 2 м дан ошмайдиган алоҳида участкаларда ўтиш баландлигини 1,2 м, энини эса 0,9 м гача камайтириш мумкин.

Техник тағхона, цокол ва ертўла қаватларда бинони узунлиги бўйлаб охиригача, баландлиги 1,8 м (тоза ўлчамда) дан кам бўлмаган икки ёғи очик ўтиш кўзда тутилиши керак, узунлиги 1 м дан ошмаган айрим участкаларда ўтиш баландлигини 1,6 м гача камайтириш мумкин (тоза ўлчамда).

Йирик панелли бинолар ер-тўла ва техник тағхона кўндаланг деворларида баландлиги 1,6 м проёмлар қилишга йўл қўйилади; бунда остонанинг баландлиги 0,3 м дан ошмаслиги керак.

6.9. Тортиш вентиляцияси кўзда тутилмаган ертўла ва техник тағхоналар ташқи деворларида умумий юзаси пол юзасининг 1/400 дан кам

бўлмаган, бино периметри бўйича ташки деворларда бир меъёрда жойлашган туйнуклар кўзда тутилиши керак. Битта туйнукнинг юзаси $0,05 \text{ м}^2$ дан кам бўлмаслиги керак.

6.10. Носекцион турар-жой уйларда техник, ертўла ва цокол қаватлар ва чордоқлар 1-тип ёнғинга қарши пардеворлар билан юзаси 500 м^2 ошмаган бўлинмаларга, секцияликларда эса-секцияларга ажратилиши керак. Ертўла ва цокол қаватларнинг ҳар бир бўлинма ёки секциясида ўлчамлари, $0,9 \times 1,2 \text{ м}$ бўлган, камида икита дераза (люк) бўлиши керак.

Зина бўлмасининг ҳар биридан чордоққа чиқиш кўзда тутилиши керак. Чордоқнинг ҳар бир секциясидан томга чиқиш кўзда тутилиши керак.

Техник қават ва чордоқларда ёнғинга қарши пардеворлардаги эшиклар зичлагичли тавақали қийин ёнадиган бўлиши мумкин. Бинонинг ўрта қисмида жойлашаган техник қават ва техник чордоқлардан ШНҚ 2.01.02 га мувофиқ икита чиқиш кўзда тутилиши керак. Кўрсатилган қаватларга киришни умумий зина бўлмаларидан қилишга йўл қўйилади.

II оловбардошлик даражасига эга, 5 қаватгача (5-қават ҳам) биноларнинг, ҳамда III ва IV оловбардошлик даражасига эга биноларнинг ертўла ва цокол қаватдаги кладовка орасидаги пардеворларини оловбардошлилигини ва оловнинг тарқалишини меъёрланмайдиган чегарада қилиб лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

Ер тўла ва цокол қаватда техник йўлакни бошқа қолган хоналардан ажратиб турадиган пардеворлар I тип ёнғинга қарши бўлиши керак

6.11. Ер тўла ва цокол қаватлардан чиқишни ШНҚ 2.01.02. га мувофиқ қилиш керак. Ертўла ва цокол қаватлардан чиқишлар эвакуацияли бўлганида, у бевосита ташқарига чиқиши керак; биринчи қаватда яшаладиган қисм чиқишидан 1-тип ёнғинга қарши пардевор билан ажратилиб алоҳида ташқарига чиқиш бўлганида, яшаладиган қисмнинг зина бўлмасидан чиқиш кўзда тутилишига йўл қўйилади

6.12. Ертўла ва цокол қаватларда, ёнувчан газ ва суюқликлар, ҳамда енгил алангаланувчи материаллар қўлланадиган ёки сақланадиган хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

6.13. Янги қуриладиган бино цокол ва ертўла қаватларида яшайдиганлар ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари учун хўжалик омборлари (кладовые) ушбу меъёрлар ва ШНҚ 2.08.02 талабларига риоя қилган ҳолда лойиҳалаштиришга йўл қўйилади. Бунда уйнинг муҳандислик коммуникацияларига тўсқинликсиз (қаршиликсиз) етиб бериш таъминланиши керак. Турар-жой уйнинг ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена ҳолатини (булғатиш, ислар, шовқин) ёмонлаштирадиган хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Айтиб ўтилган жамоат жойларига турар-жойга кириш томондан кирадиган жой қилишга йўл қўйилмайди; кириш ва чиқишларни 6.11-б. талабларига мувофиқ қилиш керак

6.14. Янги қуриладиган биноларнинг ертўла ва цокол қаватларида ушбу нормалар, ШНҚ 2.02.02 ва автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналарининг

лойихалаш меъёрлари талабларига риоя қилган ҳолда яшовчиларнинг автомобилларига гараж-манзиллар лойихалашга йўл қўйилади. Юқори қаватлар автомобиль манзилгоҳлари(гаражи) қаватидан I-типтаги қаватёпма билан ажратилиши керак. Бунда кўпквартирали уйларда яшаш хоналари ва ички қурилган болалар ва даволаш-соғломлаштириш хоналари гараж-манзилгоҳларнинг бевосита устида жойлашмаслиги керак.

Изоҳ: Ички қурилган гараж-манзилгоҳларнинг баландлиги амалдаги меъёрлар бўйича ўрнатилади

6.15. Уйда ички – туташ қурилган қисмга қаратилган деразалар бўлганда, ички-туташ қурилган қисм томи, асосий бинони юқори жойлашган яшаш хоналарининг полдан юқори бўлмаслиги керак, томнинг асосий бинодан (фасад бўйлаб) чиқиб туриши – 3 м дан ошмаслиги керак.

Ички – туташ қурилган қисмнинг том конструкциялари 5.11-б. талабларига мувофиқ бўлиши керак.

7. ЛИФТЛАР

7.1. Юқори қават полининг сатҳи ер сатҳидан 13 м ва ундан кўп бўлган турар жой биноларда лифтлар кўзда тутилиши керак; лойихалаш топшириғи бўйича юқори қават полининг бундан кам сатҳида ҳам лифтлар бўлиши мумкин.

7.2. Лифтлар, махсус квартирали қариялар уйида, устки қават полининг сатҳи 8 м ва ундан кўп бўлганда, кресло-аравачалардаги ногирон оилалари бор уйларда – 3 м дан ортиқ бўлганда кўзда тутилиши керак. Кресло-аравачалардаги ногиронлар учун махсус кўтаргичлар ўрнатилиши мумкин.

Изоҳ: Ногирон оилалар учун квартиралар, одатда, биринчи қаватларда жойлаштирилиши керак.

7.3. Кўп квартирали уй ёки ётоқхоналарнинг ҳар бир секциясига 13-иловага мувофиқ лифтлар ўрнатилиши керак.

Қариялар ва кресло-аравачалардаги ногиронлар оиласи учун турар жой уйларда 630 кг юк кўтарадиган лифтлар кўзда тутилиши керак.

Баландлиги 28 м дан юқори бўлган биноларда пассажир лифларнинг бири ўт ўчириш бўлимларини ташишга мўлжалланган бўлиши керак

7.4. Лифт олдидаги майдончанинг эни беморларни тез-ёрдам замбилларида ташишга имкон бериши керак ва 400 кг юк кўтарувчи лифтда – 1,5 м; кабина эни 2100 мм ли 630 кг ли лифтда – 1,6 м; кабина эни 1100 мм, узунлиги 2100 мм да – 2,1 м бўлиши керак.

Кресло-аравачалардаги ногиронлар яшайдиган уйларда лифт ўрнатишда ШНҚ 2.07.02 талаблари ҳисобга олиниши керак.

Лифт шахталари яшаш хоналари билан ёнма-ён жойлашмаслиги керак. Лифтларнинг машина хоналарини яшаш хоналарининг бевосита устида, ҳамда ёнида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

8. ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

8.1. Чиқиндиларни йўқотиш тизими маҳаллий бошқарув органлари – ҳокимиятлар томонидан белгиланади ва лойиҳалаш топшириғида кўрсатилади.

Чиқиндиларни йўқотиш, одатда, турар-жой уйлари яқинида чиқинди контейнерлари майдончалари қуриш йўли билан кўзда тутилади. Чиқинди йиғувчи контейнерлар асфальтбетон ёки бетон заминида, кўпквартирали уйларнинг блок-секциясига ёки уйларга кириш жойига ва квартиралар деразаларига 20 м дан яқин бўлмаган масофада жойлашиши керак; уйга кириш жойидан узоқлиги 200 м дан ошмаслиги керак (ихтисослаштирилган турар жойларда узоқлиги лойиҳалаш топшириғида кўрсатилади).

8.2. Лойиҳалаш топшириғи бўйича чиқинди туширгичлар ҳар қандай қаватли биноларда ҳам қурилиши мумкин.

Чиқинди туширгич қурилмалари замонавий санитария-гигиена ва техник талабларга мувофиқ бўлиши керак.

8.3. Чиқинди туширгич стволи ҳавоўтказмайдиган, қурилиш конструкцияларидан товуш ҳимояланган, яшаш хоналарига туташмаслиги (ёпишмаслиги) керак. Чиқинди ташлаш қопқоклари квартира деразаларидан кўринмайдиган бўлиши ва уларнинг жойланиши яшаш муҳитнинг санитар-гигиена ҳолатини бузмаслиги керак.

Чиқинди туширгич амалдаги санитария меъёрларига мувофиқ стволини вақти-вақти билан ювиш, тозалаш ва дезинфекция қилиб туриладиган мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Чиқинди йиғувчи камера чиқинди туширгич стволини бевосита остида жойлашиши унга иссиқ ва совуқ сув уланган бўлиши керак. Чиқинди йиғувчи камерани яшаш хоналари остида ёки ёнида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Камеранинг баландлиги (ички ўлчам-да) 1,95 м дан кам бўлмаслиги керак. Камера ташқарига очиладиган эшикли, мустақил, бинога киришдан ёпиқ(глухой) девор(экран) билан ажратилган чиқиши бўлиши керак ва оловбардошлик даражаси RE160, ёнғин хавфи классификацияси КО-1с ва олов тарқатиш чегараси ноль бўлган ёнғинга қарши пардеворлар ва қаватёпма билан ажратилиши керак.

9. МУҲАНДИСЛИК ЖИҲОЗЛАРИ

Умумий қоидалар

9.1. Яшаш хоналарида микроклимнинг энг мувофиқ ва йўл қўйиладиган параметрлари(ўлчамлари) ва ҳаво алмашинуви микдорини 8-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

Йилнинг совуқ даврида турли хоналарда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавоалмашинуви сони 9-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

8 жадвал

Параметрлар (ўлчамлар)	Йил даври	Ҳисобий харорат, °C	Нисбий намлик, %	Ҳаво ҳаракати тезлиги, ≤ м/сек	Ҳавоалмашинув микдори
Энг мувофиқ	Совуқ	21-22 (22-23)	30-60	0,15	1м ² пол юзасига 4м ³ /соат
	Илик	26-27	30-45	0,2	–
Йўл қўйиладиган	Совуқ	20/21	65 гача	0,2	1м ² пол юзасига 3м ³ /соат
	Илик	–	–	–	–

Изоҳлар:
1. Қавс ичидаси қийматлар ёлғиз қариялар ва ногирони бор оилалар уйига тегишли.
2. Чизиқлар, ушбу кўрсаткич меъёрланмаслигини билдиради.
3. Биттадан ортиқ ташқи деворли хоналар учун совуқ даврдаги ҳароратни 1°C га юқори олиш керак.

9 жадвал

Хоналар	Ҳавонинг ҳисобий харорати, °C	Ҳавоалмашинуви сони (марта)	
		Ичкарига тортиш	Ташқарига тортиш
Квартира ёки ётоқхоналардаги яшаш хонаси	8 Жадв. қ.		
Ётоқхоналардаги жамоат ва маъмурият хоналари	20	–	1
Хонадан и ётоқхоналар ошхонаси – электр плитали – газ плитали	18	– –	60 м ³ /соат 90 м ³ /соат
Ваннахона	25	–	25 м ³ /соат
Алоҳида ҳожатхона	8	–	25 м ³ /соат
Бирлашган санузел	25	–	50 м ³ /соат
Умумий душхона	25	–	5,0
Умумий ювиниш хонаси	18	–	0,5
Кийимни тозалаш ва дазмоллаш учун гардероб хонаси	18	–	1,5
Вестибюль, умумий йўлак, зина бўлмаси	16	–	–
Кир ювиш хонаси	15	Ҳисоб бўйича, лекин 4 дан кам эмас	7,0
Ётоқхоналарда дазмоллаш, қуритиш хонаси	15	Ҳисоб бўйича, лекин 2 дан кам эмас	3,0
Ётоқхоналарда шахсий буюм, спорт инвентари, хўжаликдаги кирларни сақлаш кладовкалари	14	–	0,5
Ўтхона	16	–	3,0
Лифтларнинг машина хонаси	10	–	Ҳисоб бўйича, лекин 0,5 дан кам эмас

Изоҳ: 1А, 1Б, 1В, ва II ост зоналардаги биноларнинг зина бўлмаларида, ҳамда квартиралар иситилмаган уйларда ҳаво ҳарорати меъёрланмайди.

9.2. Муҳандислик таъминоти тизимини қуришда ишлатиладиган ускуна, буюм ва материалларга тураржой биноларда ишлатилиши учун ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг рухсати бўлиши ва амалдаги стандарт ва техник шартларга мувофиқ бўлиши керак.

9.3. Муҳандислик жиҳозлари тизими ёнғинпортлаш хавфсизлигини, кўздан кечириб туриш, тозалаш ва таъмирлаш имконини таъминлаган ҳолда, ШНК 2.04.05, ШНК 2.04.08, ШНК 2.04.17, ШНК 2.04.20 ва ШНК 2.04.18 ларга мувофиқ лойиҳалаш керак. Тизим ишлашидан ҳосил бўлган шовқин тураржой уйлар учун йўл қўйилган даражадан ошмаслиги керак. Қўшимча шовқин чиқарадиган ускуналар алоҳида мустақил таянч конструкцияларга ўрнатилиши керак.

Муҳандислик тизимини электромеханик ва электрон ускуналари табиий ёритиладиган ва фавқулодда сув босмайдиган хоналарда жойлашиши керак. Ушбу ускуналарни техник тағхоналарда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Шовқин ва вибрация манбалари бўлган, насосхоналар, венткамералар, иссиқлик пунктлари яшаш хоналари билан ёнма-ён, устида ва остида жойлашмаслиги керак.

Яхшиланган ва юқори класс қулайликка эга объектларда юқорида қайд этилган хоналар турар жой бинони хажмидан ташқарида умуман бошқа жойда жойлашиши керак.

9.4. Турар-жой уйлари ичига қурилган жамоат ва хўжалик хоналарида 6.1 ва 6.3-б.га мувофиқ, шунингдек болалар мактабгача ташкилотларида 6.2-б.га мувофиқ газ ускуналарини ўрнатишга йўл қўйилмайди, алоҳида чиқиши бўлган, алоҳида ажратилган хонада жойлаштирилган, иситиш учун мўлжалланган, автоматлашган газ аппарат ва қозонлар бундан истиснодир. Ушбу иситиш тизимига иссиқ сув таъминоти учун сув иситгичларини улашга йўл қўйилади

9.5. Оқовалаштирилган ҳудудларда қуриладиган биноларда ички сув таъминоти ва оқова тизими кўзда тутилиши керак. Ички оқовалаштириш тизими мавжуд бўлмаганда, бинога водопровод олиб киришга йўл қўйилмайди ва ташқи водопровод колонкалари, ташқаридаги ҳожатхоналар кўзда тутилиши керак.

9.6. Оқовалаштирилган квартирали уйларда қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

5-6 хонали квартираларда: ваннали санитар хонаси, юз-қўл ювгич ва унитаз билан ва санитар хона унитаз, юз-қўл ювгич ва души билан;

2-4 хоналиларда: ҳожатхона унитаз ва юз-қўл ювгич билан ва ванна хона ванна ва юз-қўл ювгич билан;

бир хонали ва кичик ўлчамли 2-хонали квартираларда: бирлаштирилган санитар хонаси унитаз, юз-қўл ювгич, ванна билан, қариялар учун ихтисослашган уйларда қайд этилган санитария жиҳозларига қўшимча лойиҳалаш топшириғи бўйича оёқ ваннаси кўзда тутилиши керак.

Яхшиланган ва юқори класс қулайликка эга квартиралар лойиҳалаш топшириғи ва 14-иловага мувофиқ санитария – техника асбоблари билан жиҳозланиши мумкин.

Кресло-аравачадаги ногирони бор оилага мўлжалланган квартираларда санитария бўлмаси унитаз, юз-қўл ювгич ва деворга маҳкамланган махсус қайтарма (откидной) ўтиргичли душ ҳамда трап (кўчма зина) ни ўз ичига олиши керак.

9.7. Оқовалаштирилган ётоқхона санитария-гигиена хоналарининг ускуналари қуйидаги ҳисобдан қабул қилиниши керак:

ёлғизларга: 1 унитаз, 1 душ (ёки ванна), 1 юз-қўл ювгич 4-6 одамга;

кичик оилага: 1 унитаз, 1 душ (ёки ванна), 1 юз-қўл ювгич – 2-3 одамга;.

Қария ва ногиронлар уй-интернатлардаги яшаш хоналари қошида бирлашган санитария бўлмалари (унитаз, юз-қўл ювгич, душ, оёқ ваннаси) кўзда тутилади. Ваннали ванна хонаси 10-15 яшовчидан иборат гуруҳга кўзда тутилади.

Изоҳ: Яхшиланган ва юқори қулайликка эга ётоқхона ва уй-интернатларда санитария техника ускуналари тўплами лойиҳалаш топшириғи бўйига ўрнатилади.

9.8. Турар-жой уйлар электр энергияси, газ, совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисоблаш асбоблари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Овқат тайёрлаш учун ускуналар

9.9. Қаттиқ ёнилғидаги плиталар 2 қаватгача (2-чи қават ҳам), газ ёнилғида – 10 қаватгача (10-чи қават ҳам) турар-жой уйларда йўл қўйилади. 5-қават ва ундан юқори турар-жой уйларда газсимон ёнилғидаги плиталар алангани назорат қилиш автоматикаси билан жиҳозланиши лозим. 10-қаватдан юқори турар-жой уйлар, ётоқхоналар, қариялар ва ногирони бор оилалар уйлари ошхоналарида (нечта қаватлигидан катъий назар) электр плиталар ўрнатилиши лозим.

Ҳар бир ошхонани идиш-товоқ ювгич билан жиҳозлаш керак.

9.10. Ошхонадаги газ ва электр плиталари конфоркаларининг сони: бир хонали квартираларда камида 2 та, икки-олтихоналида – тўртта, янада каттароқ квартираларда – олтига қабул қилиниши керак.

Ётоқхона ошхоналарида: I тип ётоқхоналарда – 50 одам яшовчи гуруҳга битта тўрт конфоркали плита; II типда – ҳар бир яшов ячейкасидаги (бўлма) 2 та одам учун бир-икки конфоркали плита; III типда – ҳар бир оила ячейкасига битта уч конфоркали плита кўзда тутилиши керак.

9.11. Квартирага қарашли участкадаги ёзги ошхона оқовалаштирилган бўлса, уни плита ва идиш-товоқ ювгич билан жиҳозлаш тавсия қилинади

Совуқ ва иссиқ сув таъминоти

9.12. Оқовалаштирилмаган ҳудудларда истиқомат қилувчиларни сув билан таъминлаш, уйдан 100 м дан олис бўлмаган масофада жойлашган сув олиш колонкалардан кўзда тутилади. Иссиқ сув плиталарда, ўчоқларда, қуёшдан иситиш қурилмаларида тайёрланади.

Оқовалаштирилган ҳудудлардаги биноларда ичимлик-хўжалик ва ёнғинга қарши сув таъминоти, ҳамда марказлашган иссиқлик таъминоти тизимидан ёки заводда ишланган маҳаллий сув исситгичлардан иссиқ сув таъминоти кўзда тутилиши керак.

12 ва ундан кўп қаватли турар жой уйларда, ётоқхоналарда эса, қурилиш хажми 5000 м³ ва ундан ортиқ биноларда ёнғинга қарши сув таъминоти қуриш керак. Ёнғинга қарши сув таъминоти тизими бино фасадида чиқарилган ўт ўчириш машиналарини улаш учун диаметри 80 мм ли бирлаштирувчи головкали патрубклар билан жиҳозланган бўлиши керак.

9.13. Қаттиқ ёнилғидаги маҳаллий сувиситгичлар икки қаватгача, газли сувиситгичлар – беш қаватдан ошмаган турар-жой биноларда йўл қўйилади. Электрсувиситгичлар қаватлар сони билан чегараланмайди, лекин электр таъминоти ташкилоти билан келишилиши керак.

9.14. Хўжалик ва маиший эҳтиёжга бериладиган совуқ ва иссиқ сув сифати O'zDST 950-2000 га мувофиқ бўлиши керак. Иссиқ сувни олиш жойидаги ҳароратни 50°С дан паст ва 75°С ортиқ бўлмаган ҳолда ушлаб туриш керак.

9.15. Иссиқ сув таъминоти тизимида сувни узатиш учун алоҳида иссиқ ва совуқ сув улагичлар билан смесителларни ўрнатиш кўзда тутилган бўлиши керак. Санитар жиҳоз олдидаги сув босими бир секунддаги ҳисобий сарфга етадиган бўлиши ва 0,6 МПа дан ошмаслиги керак. Қариялар учун ванналардаги ва инвалидлар учун санузеллардаги смесителлар, 50°С дан ортиқ температурадаги иссиқ сув келишининг олдини оладиган термостатик регулятор билан бўлиши керак

9.16. Сув таъминоти тизимининг (водопровод) ҳар бир квартирага, хўжалик блокига, саунага, ҳамда ювгич бачкалари ва жойдаги сувиситгич колонкаларига тармоқланган жойларида ёпадиган арматура ўрнатиш кўзда тутилиши керак.

9.17. Ички сув таъминоти тизимида бино периметрининг ҳар 60-70 м да биттадан ташки девордаги туйнукларда ўрнатиладиган сув сепиш жўмраги кўзда тутилиши йўл қўйилади. Сув таъминоти режимли бўлган ҳудудларда сув сепиш жўмраклари ўрнатилмайди.

9.18. Ванна ва душхоналарда ёз вақтида ўчириб қўйиш имконини берувчи схема бўйича сочик қуритгич ўрнатилиши кўзда тутилиши керак.

9.19. Автомат кир ювиш машинасини совуқ ва иссиқ сув, ҳамда оқова қувурларига улаш учун уларда пробкалар билан ёпиб қўйиладиган штуцерлар кўзда тутилиши керак.

9.20. Ванна ва душ поддонларининг метал корпуслари сув қувурлари билан метал ўтказгичлар воситасида туташтирилиши керак.

Оқовалаштириш

9.21. Ички маиший оқовалаштириш тизими ўрнатилган ҳамма санитария техник асбоблардан (унитаз, ванна, душ, юз-қўл ювгич, биде ва б.) чиқадиган оқова сувларни кетказиш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

9.22. Конструкциясида гидравлик ёпқич (затвор) бўлмаган санитария-техник асбобларни (душ поддонлари, кир ювиш машиналарининг мағзава чиқиш жойи ва б.) чиқиш жойига асбобларнинг остига гидравлик ёпқичлар ўрнатилиши керак.

9.23. Оқова сувларни кетказиш ўз оқими билан кетадиган ёпиқ қувурлар бўйича, ифлосланиб тикилиб қолиш эҳтимолини максимал камайтирадиган қилиб ўрнатиб, амалга оширилиши керак. Бошқа-бошқа хонадонларда жойлашган санитария асбобларини умумий тармоқ қувурга улашга йўл қўйилмайди.

9.24. Ички оқовалаштириш тармоғини яшаш хоналари, намлик бўлиши мумкин бўлмаган хоналар, ҳамда ошхона ва вестибюлларнинг шипи ости бўйлаб, девор ва пол ичи билан ўтказишга йўл қўйилмайди.

9.25. Уйнинг ички ўз оқими оқовалаштириш тармоғи вентиляциясини (қишлоқдаги 1-қаватли уйлардан ташқари) тортадиган (вытяжной) қисми бино тоmidан юқорига очик ҳавога чиқарилган уй оқовалаштириш мўриси орқали амалга ошириш керак. Қувурларнинг ҳаво тортадиган мўри қисмини очиладиган дераза ва балконлардан камида 6 м масофада, тортувчи вентиляция блокларининг учидан(оголовок) камида 1 м масофада жойлаштириш керак.

Оқовалаштириш мўриларини вентиляция канали ва шахталари ичидан ўтказиш ман қилинади.

Оқовалаштириш мўриларини чордоқ бўшлиғида тўхтатишга йўл қўйилмайди.

9.26. Яшаш қисми оқовасини, магазинлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари оқоваси билан (бино ташқарисида жойлашган биринчи оқовалаштириш кудуғигача) бирлаштириш ман қилинади.

9.27. Юқори класс қулайликли хонадонларда ички оқова тармоғини монтаж-шахта, канал ва тўртбурчак қувурларда (коробларда) беркитиб ўтказиш кўзда тутилган.

Иситиш

9.28. Иситиш тизимлари бинонинг яшаш хоналарида ҳавони ҳисобий ҳароратини 8- ва 9-жадвалларга кўра таъминлаши керак.

9.29. Турар-жой биноларда буғли иситиш тизими ва газ билан иситиладиган каминлар қўллашга йўл қўйилмайди. Сувли иситиш тизими қўлланилганда, қувурдан ясалган иситиш қисмларни қурилиш конструкцияси (каватёпма, девор, пардевор)ичига ўрнатиш тавсия этилмайди.

9.30. Иситиш асбоблари юзасидаги ҳарорат 105°C дан, қария ва ногиронлар хоналарида эса 95°C дан ошмаслиги керак.

9.31. Иситиш радиатор ва конвекторлари очик, одатда, ташки деворларда, кўпинча дераза остида жойлаштирилади.

Маҳаллий иссиқлик манбаидан ишлайдиган иситиш тизимида иситиш асбобларини ички деворларга ўрнатишга йўл қўйилади.

9.32. Печкали иситиш 2 қаватдан кўп бўлмаган турар жой биноларда ва 25 ўриндан кўп бўлмаган 1-қаватли ётоқхоналарда йўл қўйилади.

Печкали иситиладиган хоналарда ҳаво ҳароратининг 1 сутка давомида ўзгариши $\pm 3^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак

9.33. Ҳар бир хонадонда қаттиқ ёнилғида ишлайдиган иситиш қозонини қўллаш икки қаватгача (2-қават ҳам) турар-жой биноларда, газсимонида эса тўққиз қаватгача (9-қават ҳам) йўл қўйилади.

9.34. Электр энергияси билан иситишда, Давшахтехназорат талабларига мос, заводда ишланган электр иситиш асбобларидан фойдаланиш кўзда тутилиши керак. Иситиш учун электр энергияни сарфлаш электр таъминот ташкилотлари билан келишилган бўлиши керак.

Вентиляция ва ҳавони кондиционераштириш

9.35. Турар-жой биноларда 8 ва 9-жадвалларга кўра ҳаво алмашинув кўрсаткичини таъминлаб, табиий қўзғатишли вентилляция кўзда тутилиши керак.

Микроиклимни оптимал параметрлари вентилляция билан таъминлана олинмаганда, лойиҳалаш топшириғи бўйича ҳавони кондиционерлаш қўлланилиши мумкин

9.36. Фавқулудда тутунга қарши вентилляцияни ШНҚ 2.01.02 ва ШНҚ 2.04.05 ларга мувофиқ лойиҳалаш керак.

9.37. Тоза хоналарга ташқи ҳавони уюшмаган кириши ва уни ифлосроқ хоналарга кўчиши кўзда тутилиши керак.

Хонадон ва ётоқхона яшаш хоналари вентилляциясини ошхона, ҳожатхона, ўтхона, ванна ва душхоналардан тик тортувчи каналлар ёрдамида амалга ошириш керак.

9.38. Ҳар бир хонадон доирасида:
ошхона ва ўтхонадан алоҳида-алоҳида каналлар кўзда тутилиши керак;
ҳожатхона, ванна, душ ва гигиена хоналаридан тортувни ётик (горизонтал) ҳавоўтказгичлар орқали битта каналга бирлаштиришга йўл қўйилади.

9.39. Тик ташқарига тортувчи (вытяжной) каналларни бино устига атмосферага чиққунча ёки очиқ чордоқ бўшлиғигача транзит қилиб чиқариш керак.

9.40. 5-қаватгача (5-қават ҳам) турар-жой биноларда, санузел ва ошхонадан тортувчи каналлар ҳар қават учун мустақил алоҳида бажарилиши керак.

6 ва ундан кўп қаватли биноларда, юқори класс қулайликли бинолардан ташқари, ҳар қаватдан бир турли хоналардан тортувни қуйидаги шартлар бажарилганда йиғма тортув каналига улаш йўл қўйилади:

тортувларни бирлаштириш вентиляция блокнинг битта тиклик чегарасида, баландлиги 2 м дан кам бўлмаган йўлдош каналча воситасида бажарилади;

йиғма каналга 6-қаватли биноларда фақат пастки уч қаватнинг тортувлари, 7-8, 9-10, 11-12, 13-14 ва 15-16 қаватли биноларда мос равишда пастки тўрт, беш, олти, етти ва саккиз қават уланади.

9.41. Сувиситгич, қозон ва печкаларнинг мўрилари тортув канали ўрнида қаралмаслиги керак.

9.42. Газ асбоблари турган хоналарнинг тортув каналларида бошқариладиган (регулировка) панжара қўйишга йўл қўйилмайди

9.43. Юқориги икки қаватдаги, юқори класс қулайликка эга квартираларда ҳамма қаватлардаги санузел ва ошхоналар тортув каналининг киришида (оғзида) тортувчи маиший вентиляторлар ўрнатилиши кўзда тутилиши керак.

Ўтхона, газли сувиситгичли хоналарда, ҳамда йиғма каналга бирлашадиган тортув каналлари киришида вентилятор ўрнатишга йўл қўйилмайди.

9.44. Турар-жой бинолари ичига қурилган объектларнинг вентиляцияси мустақил бўлиши керак. Ёнғинпортлаш хавфи бор моддалар бўлмайдиган ва 1,5 қарра ҳавоалмашинуви етарли бўлган (нотариал идора, юридик маслаҳат, жамғарма кассалари ва ш.ў.) ички қурилган жамоат хоналаридан табиий тортувни, 9.40-б. талабларига риоя қилиб, турар-жой бинонинг тортув тизимига бирлаштириш (қўшиш)га йўл қўйилади.

9.45. Юқори класс қулайликли бино ошхоналарида плита устига хавотозалагич ўрнатиш кўзда тутилади.

9.46. Турар-жой биноларда ҳавони кондиционерлаш одатда, мустақил (автоном) кондиционерлардан фойдаланиб бажарилади. 1а ва 1б зоналардаги яхшиланган класс қулайликли биноларнинг 1-4 хонали хонадонларида битта кондиционер; ундан каттароқ хонадонларда иккита кондиционер ўрнатиш кўзда тутилиши тавсия қилинади.

I ва II зоналардаги юқори класс қулайликка эга биноларда яшаш хоналари мос равишда 70% ва 50% кондиционерлар билан жиҳозланади.

Электротехника қурилмалари

9.47. Турар жой биноларида электр ёритиш ва куч электр ускуналари ўрнатилиши лозим.

Турар-жой бинолари электр ўтказгичлари ишончлилик даражасига кўра куйидаги категорияларга киритилиши лозим:

электр плиталар ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган электр сув иситгичлар ўрнатилган, баландлиги 16-каватгача бўлган уй-жой бинолари (бир-саккиз квартирالي уйлар бу ҳисобга кирмайди), газ плиталар ва ўтин-кўмир ёкиладиган плиталар ўрнатилган, баландлиги 5 дан 10-каватгача бўлган уй-жойлар, 50 кишига мўлжалланган умумий ётоқхоналар II-категорияга мансуб;

газ плиталар ва ўтин-кўмир ёкиладиган плиталар ўрнатилган, баландлиги 5-каватдан ошмайдиган уй-жой бинолари, электр плиталар ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида ишлатиладиган электр сув исит-гичлар ўрнатилган бир – саккиз квартирالي уйлар, 50 кишига мўлжалланган умумий ётоқхоналар бинолари – III-категорияга мансуб.

9.48. Электр ускуналари конструкцияси, тайёрланиши, ўрнатилиш усули, изоляциясининг классификацияси ва ҳимояланганлик даражаси электр тармоғидаги қуриланишга ҳамда атроф муҳит-шароитига мос келиши зарур.

9.49. Квартирадаги ва турар-жой ячейкаларидаги гуруҳланган электр тармоқлари яширин қилиб ўтказилиши, бунинг учун улар девор ичига ётқизилган найлардан выключателлар ва розеткалар деворга ўйиб, ботирилган қилиб ўрнатилиши керак.

Турли квартиралар орасидаги деворга, юқори қулайликка эга объектларда эса, бир квартира доирасида ҳам бир ўқ бўйлаб 2 та выключатель ёки розеткани ёнма-ён ўрнатишга йўл қўйилмайди

9.50. Квартираларнинг ҳамда умумий ётоқхоналарнинг яшаш хоналарига хонанинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқмас 6 м² майдонида 6А токка биттадан розеткаларни ўрнатиш керак. I ва II зоналардаги квартиралар умумий хонасида маиший кондиционерга мўлжалланган 10 (16) А токка ерланган контактли розетка ўрнатилади.

Квартира йўлакларида йўлакларнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқмас 10 м² майдонида 6А токка камида биттадан розеткалар жойлаштирилиши зарур.

Ошхоналарга 6А токка мўлжалланган учта розетка, ошхона майдони 8 м² дан катта бўлганида эса тўртта розетка ва бундан ташқари, ерланган контактли, 10 (16)А токка мўлжалланган битта розетка ўрнатилиши лозим. Электр плиталардан фойдаланилганда, 23А токка мўлжалланган ва ерланган контактли розетка ўрнатилиши зарур.

Яхшиланган ва юқори қулайликка эга биноларда кондиционери бор хоналарнинг ҳаммасига 10 (16)А токка мўлжалланган ерланган контактли розеткалар ўрнатилади.

9.51. Яшаш хоналаридаги штепсель розеткалари вилка чиқариб олингандан кейин улар тешикларини беркитиб қўйиш имконини берувчи химоя мосламалари ёки пластмасса қопқоқлар билан таъминланган бўлиши лозим.

Санузелларга, ваннахона ва душхоналарга, ювиниш хоналарига, душолди хоналарга, омборхоналарга розеткалар ўрнатиш мумкин эмас, ювиниш хоналари ҳамда ваннахоналардаги тақсимловчи трансформатор орқали уланадиган розеткалар бундан мустасно.

9.52. Квартира даҳлизига электр қўнғироқ квартирага кириладиган эшик ёнига эса қўнғироқ тугмачаси ўрнатилиши лозим.

9.53. Яшаш хоналарда, ошхоналарда, даҳлиз ва верандаларда, шунингдек, майдони 5 м² дан катта лоджияларда зарур бўлганида шипга, лоджияларда эса, деворга, осиб қўйиладиган ёки маҳкамланадиган умумий ёритиш ёритгичларини ўрнатишга мўлжалланган клеммали колодкалар ёки маҳкамловчи мосламалар ўрнатилиши керак. Майдони 10 м² ва ундан катта бўлган яшаш хоналарига, лампаларни икки қисмлаб ёкса бўладиган кўп лампали ёритгичлар ўрнатиш имкониятини кўзда тутиш зарур. Квартиралардаги ҳожатхоналарда эшик тепасида деворга патрон, ваннахоналарда эса, умивальник тепасига ёритгич ўрнатилиши керак.

9.54. Эвакуация вазиятидаги ёритиш 6 қаватли ва ундан баландроқ турар жой биноларида, шунингдек, 50 нафар ва бундан кўпроқ киши истиқомат қиладиган умумий ётоқхоналарда кўзда тутилиши лозим.

9.55. Юқори қулайликка эга биноларда эвакуация вазиятидаги ёритиш, зинапояларни, вестибюлларни, лифт холларини, табиий ёритишга эга лифт олди майдончаларини, уйлар подъездлари ва киришларини ёритиш қоронғи тушгач автомат тарзда ёки масофадан диспетчерлик пунктдан ёқиладиган ва тонг отиши билан ўчадиган бўлиши лозим.

Алоқа ва сигнализация

9.56. Турар жой бинолари симли эшиттириш (радиотрансляция) тармоқлари, телефон ва антеннали телевидение тармоқлари билан жиҳозланиши керак.

Қариялар ҳамда ногиронлар оилалари истиқомат қиладиган квартираларда, умумий ётоқхона биносидаги ҳожатхона, ванна-хона ва бошқа санитария-гигиена хоналаридан ташқари ҳамма хоналарда, 10 қаватли ва бундан баланд турар жой бинолари квартираларда ёнғин сигнализацияси ва ёнғин ҳақида хабар бериш ускуналарини ўрнатиш кўзда тутилиши лозим.

Турар-жой бинолари лойиҳалаш топшириғида кўзда тутилган бўлса, соатлаштириш, қўриқлаш ва автоматик ёнғин сигнализацияси тизими билан жиҳозланиши мумкин

9.57. Ёнғинга қарши қурилмаларни автоматик бошқариш темир шкафларини биринчи қаватда электр шчит хонасида жойлаштириш керак.

9.58. Ҳар бир уйда телефон аппарати ўрнатиш, ва ахборот узатиш тизимига уланиш учун техник имкониятлар яратишни кўзда тутиш лозим.

9.59. Қариялар ҳамда ногиронларга мўлжалланган уй-интернатларда хизмат кўрсатиш ходимларини чақириш учун сигнализация тизимини кўзда тутиш лозим.

9.60. Яхшиланган ва юқори қулайликка эга уч қаватли ва ундан баландроқ уй-жой биноларига домофонлар (кулфлаш-сўзлашиш қурилмалари) ўрнатилади.

9.61. Яхшиланган ва юқори қулайликка эга бинолар кўриқлаш сигнализацияси тизими билан жиҳозланади.

9.62. 50 нафардан кўпроқ киши яшайдиган умумий ётоқхоналарга электр соатли қурилмалар ўрнатиш кўзда тутилиши лозим.

10. ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИК ВА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИК

10.1. Бино шундай тарзда лойиҳаланиши ва қурилиши керакки, уни эксплуатация қилишда, хоналардаги микроклим кўрсаткичларига ва бошқа яшаш шароитларига ўрнатилган талабларни таъминлашда энергетик ресурсларнинг тежамли (самарали) сарфланишига эришилсин.

10.2. Бинонинг энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик ўтказишга келтирилган қаршилиги, ҳаво ўтказувчанлиги ва иссиқбардошлиги ШНҚ 2.01.04 билан ўрнатилгандан паст бўлмаслиги керак;

иситиш, вентиляция, ҳавони кондиционерлаш ва иссиқ сув таъминоти муҳандислик тизимлари ва ускунаси энергия тежамкор, автоматик ва қўл билан бошқарилишга эга, ва ШНҚ 2.04.05, ШНҚ 2.04.16 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

бинонинг муҳандислик тизимлари, марказлашган таъминотда, иссиқлик энергияси, совуқ ва иссиқ сув, электр энергияси ва газ сарфини ҳисоблаш асбоблари билан жиҳозланган бўлиши керак;

иситиш, вентиляция ва кондиционерлашга нисбий солиштирма энергия сарфлари ШНҚ 2.01.18да ўрнатилгандан юқори бўлмаслиги керак;

10.3. Бинонинг оптимал техник-иқтисодий кўрсаткичларига эришиш ва иситиш ва кондиционерлашга нисбий солиштирма энергия сарфларини қисқартириш мақсадида қуйидагиларни қўллаш тавсия этилади:

қурилиш ҳажми бирлигига тўғри келадиган ташқи тўсиш конструкцияларининг мумкин бўлган энг кам юзасига эга биноларнинг энг ихчам ҳажмий-тарҳий ечимини. Бинолар ихчамлиги йўл қўйилган даражада корпус кенглигини ошириш ва қаватлар сонини кўпайтириш ҳисобига, табиий ёритиш ва шамоллатиш талабларидан келиб чиқиб, хоналарни мақсадга мувофиқ блокировка қилиш ҳисобига эришилади;

бино ва унинг хоналарини совуқ шамол ва қуёш радиацияси оқимларининг афзалроқ (энг кўп) йўналишларини ҳисобга олиб, қутб томонларига нисбатан йўналтиришни (ориентация) ;

юқори ФИК (КПД) эга, мос номенклатура қаторига тегишли самарали муҳандислик ускунаси ;

чиқиб кетаётган ҳаво ва оқова сувларни утилизация қилиш (қайта қўллаш), энергиянинг қайта тикланувчан манбаларидан (қуёш, шамол ва б.) фойдаланиш.

10.4. Янги қурилаётган биноларни лойиҳалаштиришда уларнинг энергия самарадорлиги ва сейсмик хавфсизлигини комплекс таъминлаш мақсадида тўсувчи конструкциялар материалларини ШНК 2.01.03 ва ШНК 2.01.04 талаблари ва тавсияларига мувофиқ, улар массасини анчага камайтириш, қишда иссиқликни ҳимоялаш ва ёзги иссиқ шароитда иссиқликка чидамлилиқ юқори кўрсаткичлари таъминланишини ҳисобга олиб танлаш тавсия этилади.

10.5. Бинонинг энергия самарадорлигини меъёрий кўрсаткичлар бўйича назорат қилиш мақсадида ўз ичига бинонинг энергетик паспортини олган “Энергия самарадорлик” бўлимини лойиҳа ҳужжатлари таркибига киритиш керак. “Энергия самарадорлик” бўлими ШНК 1.03.01 га мувофиқ ишлаб чиқилади.

НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР

1. ШНК 1.03.01-16 “Корхоналар, бино ва иншоотларни капитал қурилиши лойиха-смета ҳужжатлари таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”.
2. ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар”.
3. ШНК 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”.
4. СанПиН 0146-04 “Ўзбекистон иқлим шароитларида турар-жой биноларини лойихалашнинг санитария қоидалари ва меъёрлари”.
5. СанПиН 0096-00 “Радиотехника объектлари вужудга келтирадиган электр магнит майдонлари таъсиридан аҳолини муҳофазалаш санитария қоидалари ва меъёрлари”.
6. ШНК (ҚМҚ) 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”.
7. ШНК (ҚМҚ) 2.01.04-2018 “Қурилиш иссиқлик техникаси”.
8. ШНК (ҚМҚ) 2.01.05-98 “Табий ва сунъий ёритиш”.
9. ШНК (ҚМҚ) 2.01.07-96 “Юқлар ва таъсирлар”.
10. ШНК (ҚМҚ) 2.01.08-96 “Шовқиндан ҳимояланиш”.
11. ШНК (ҚМҚ) 2.01.18-2018 “Бинолар ва иншоотларни иситиш шамоллатиш ва кондиционерлаш учун энергия сарфи меъёрлари”.
12. ШНК (ҚМҚ) 3.03.01-98 “Юк кўтарувчи ва тўсувчи констукциялар”.
13. ШНК (ҚМҚ) 2.03.10-95* “Томлар ва томқопламалар”.
14. ШНК (ҚМҚ) 2.03.13-97 “Поллар”.
15. ШНК (ҚМҚ) 2.04.01-98* “Бинолар ички водопроводи ва канализацияси”.
16. ШНК (ҚМҚ) 2.04.05-97* “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш”.
17. ШНК (ҚМҚ) 2.04.16-2018 “Қуёш иссиқ сувтаъминоти қурилмалари”.
18. ШНК (ҚМҚ) 2.04.17-98 “Турар-жой ва жамоат биноларининг электржихозлари”.
19. ШНК (ҚМҚ) 2.04.20-98 “Турар-жой ва жамоат бинолари муҳандислик ускуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари”.
20. ШНК (ҚМҚ) 3.05.01-97 “Ички санитария-техник тизимлар”.
21. ШНК 2.07.01-03* “Шахарсозлик. Шахар ва кишлоқ ҳудудларини режалаштириш ва қуриш”.
22. ШНК 2.07.02-07 «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжини ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойихалаш”.
23. ШНК 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари”.
24. ҚМҚ 2.04.09-07 “Бино ва иншоотларни ёнғиндан сақлаш автоматикаси”.
25. ГОСТ 25772-83* “Зина, балкон ва томларнинг пўлат тўсиқлари. Умумий техник талаблар”.

АТАМАЛАР ВА ТАВСИФЛАР

Балкон – фасад девори текислигидан чиқиб турувчи, консол(рафак)да жойлашган тўсикли майдонча

Блоклаштирилган уй – 2 ва ундан кўп квартирадан иборат, ҳар бири ер участкасига чиқиш ва алоҳида муҳандислик тизими билан таъминланган квартира типдаги бино.

Хизмат кўрсатиш блоки – истиқоматгоҳни (хонадон, яшаш ячейкалари) кўшимча тўлдирувчи маданий-маиший ва хўжалик хоналар гуруҳи.

Веранда – бинонинг асосий ҳажмига ёпиштириб қурилган ойнаванд ёзги хона.

Уй-интернатлар – ёлғиз қариялар ва ногиронларга тиббий ва маданий – маиший хизмат кўрсатиш, яшаш шароитлари таъминладиган ихтисослашган истиқоматгоҳ.

Яшаш гуруҳи – бир нечта яшаш ячейкаси ва хизмат кўрсатиш хоналарини бирлаштирадиган, ётоқхона ёки интернатнинг тарҳий элементи.

Турар жой секцияси (ёки блок-секция) – бинони туйнуксиз деворлар билан ажратилган қисми бўлиб, ундан битта зина бўлмасига бевосита ёки узунлиги 12 м дан ошмаган йўлак орқали чиқилади; секция қаватидаги квартираларнинг умумий майдони 500 м² дан ошмаслиги керак.

Ётоқхона яшаш ячейкаси – ётоқхонанинг яшаш ва ёрдамчи хоналарини бирлаштирган бирламчи элементи; яшаш ячейкаси: битта, икки ёки учта хона, даҳлиз, санузел, ошхонани ўз ичига олади.

Турар-жой ҳовли – маиший ва хўжалик мақсадларида фаол фойдаланиладиган, уйга туташган очик бўшлиқ.

Галерея типдаги турар-жой биноси – квартирадан ёки ётоқхона хонасидан умумий галерея орқали камида икита зинага чиқилладиган бино.

Йўлак типдаги турар-жой биноси – квартирадан (ёки ётоқхона хонасидан) умумий йўлак орқали камида иккита зинага чиқилладиган бино.

Зина-лифт узели – зина бўлмаси ва лифтларнинг тик коммуникацияларини жойлаштиришга мўлжалланган хона.

Зиналар ва зина бўлмалари – яшовчиларни қаватлараро алоқаси ва эвакуацияси учун мўлжалланган; зиналар қуйидаги типларга бўлинади: 1 – ички, зина бўлмасарида жойлашадиган; 2 – ички очик; 3 – ташқи очик;

оддий, одатдаги зина бўлмалари:

Л1 – ҳар қават ташқи деворларида очик ёки ойнаванд туйнуклар билан;

Л2 – томдаги очик ёки ойнаванд туйнуклар орқали табиий ёритилган;

тутунланмайдиган зина бўлмалари:

Н1 – зина бўлмасига қаватдан ташқи ҳаво зонаси орқали тутунланмаган очик ўтишлар бўйлаб кирилади;

Н2 – ёнғинда зина бўлмасига босим остида ҳаво берилади;

Н3 – зина бўлмасига қаватдан ёнғинда босим остида ҳаво бериладиган тамбур шлюз орқали кирилади;

ёнғин зинапооялар:

П1 – тик ўрнатилган;

П2 – маршли қиялиги 1:6 дан ошмаган.

Ёзги хона – йилнинг иссиқ (илиқ) даврида, дам олиш ва хўжалик – маиший мақсадда фойдаланиш учун мўлжалланган очик (яримочик) ёки ойнаванд иситилмайдиган хона; ёзги хоналарнинг қўйидаги турлари бўлади: веранда (равон айвон), лоджия (пешайвон), террасалар, балкон (осма айвон), анъанавий айвон ва ёпилган ҳовлилар.

Лифт холли - лифтга (лифтларга) кириш олдидаги хона.

Лоджия – бино ҳажмига киритилган, уч томони девор, олди очик ёки ойнаванд ёзги хона.

Кўпквартирали уй – икки хонадондан кўп бўлган, умумий хоналари ва муҳандислик тизимлари бўлган уй.

Квартиранинг умумий майдони – 2-илова бўйича ҳисобланадиган, квартирани яшаш ва ёрдамчи хоналарининг жамланган майдони.

Ётоқхона – ёлғиз – ўқувчи, талаба, аспирант – магистрант, ишчи ва хизматчилар вақтинча яшаши учун ихтисослаштирилган истиқоматгоҳ; ётоқхоналарда яшаш ячейкалари ва уларни тўлдирувчи жамоат-хизмат кўрсатиш хоналари кўзда тутилади; кичик оилалилар учун қартира типидagi ётоқхоналар қуришга йўл қўйилади.

Текисланган ер сатҳи – бино атрофидаги лойиҳа бўйича текисланган ер сатҳи.

Ертўла (погреб) – озиқ – овқат маҳсулотларни сақлаш учун ерга чуқурлаштирилган хўжалик иншооти; уй остида ёки алоҳида жойлашиши мумкин.

Квартира олдидаги ер майдони – уйга (квартирага) ёндошган, унга бевосита чиқиладиган ер майдони.

Ёруғлик камари (карман) – йўлакка ёндошган, уни ёритиш учун хизмат қиладиган табиий ёритилган хона; ёруғлик камари бўлиб, йўлакдан эни 1,2 м дан кам бўлмаган ойнаванд эшик билан ажратилган зина бўлмаси ҳам хизмат қилиши мумкин, бу ҳолда ёруғлик камарини кенглиги қилиб зина бўлмасидаги ойнаванд эшик кенглиги олинади.

Томдаги ёруғлик туйнуги (фонарь) – зина бўлмасини ёки ёпиқ ички ҳовли-атриумни ёритадиган ойнаванд том конструкцияси.

Уй-жой майдонининг ижтимоий меъёри – 1-одамга тўғри келадиган, ва қонунчиликда ўрнатиладиган уй-жой майдонининг улчами.

Махсус уй-жойлар – қариялар ва ногиронли оилалар учун ётоқхоналар, квартиралар уйлар, ёлғиз қариялар ва ногиронлар учун уй-интернатлар.

Тамбур – совуқ ҳаво, тутун, ҳидлар киришидан ҳимояловчи эшиклар орасидаги ўтиладиган бўшлиқ; бинога, хонага, зина бўлмасига киришда ўрнатилади.

Терраса – бинога ёпишган очик ёки ёпилган дам олиш учун майдонча – ҳовли, шу жумладан қуйи қаватнинг томида ҳам жойлашиши мумкин.

Совуқ омбор – уйнинг иситилмайдиган ҳажмида жойлашган омбор.

Чордоқ – том юзаси, ташқи деворлар ва юқори қават ёпмаси орасидаги бўшлиқ.

Шамоллатиш учун шахта (кудук) – шамоллатиш учун, бинони баландлигига тенг ичи бўш тик бўшлиқ, горизонтал кесими юзаси квартира умумий майдонининг 1/30 дан кам бўлмаслиги керак.

Эркер – қисман ёки тўлиқ ойналанган, фасад текислигидан чиқиб турадиган хонанинг бир қисми, ёритиш ва инсоляция (куёш тушиши) ни яхшилаш учун қўлланилади.

Мансарда қавати (мансарда) – чордоқ бўшлиғида жойлаштириладиган яшаладиган қават.

Ер усти қавати – хоналар полинини сатҳи, текисланган ер сатҳидан баланд бўлган қават.

Ертўла (подвал) қават – хоналар полини сатҳи текисланган ер сатҳидан пастлиги хона баландлигининг ярмидан кўп бўлган қават.

Техник қават – муҳандислик ускуналарини жойлаштириш ва коммуникацияларни ўтказишга мўлжалланган қават; бинонинг остки (техник ертўла), устки (техник чордоқ), ёки ўрта қисмида жойлашиши мумкин.

Цокол қавати – хоналар полинини сатҳи, текисланган ер сатҳидан пастлиги хона баландлигини ярмидан кўп бўлмаган қават ва қават ёпмаси сатҳининг ердан баландлиги камида 2 м.

**Турар-жой биноларнинг квартира, умумий ва яшаш
майдонлари, хоналар майдони, қурилиш хажми,
майдони ва қаватларини ҳисоблаш қоидалари**

1. Квартира майдонини лоджиялар, балконлар, верандалар, террасалар, совуқ кладовкалар, тамбурларни ҳисобга олмай, яшаладиган ва ёрдамчи хоналар майдони йиғиндиси сифатида аниқлаш керак.

2. Квартира ва ётоқхона яшаш ячейкаси яшаш майдонини яшаладиган хоналар майдони йиғиндиси деб ҳисоблаш керак

3. Квартиранинг умумий майдонини ундаги хоналар, кладовкалар ва ичига қурилган шкафлар, ҳамда қуйидаги пасайтирувчи коэффициентлар билан ҳисобланадиган совуқ кладовкалар ва ёзги хоналар майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак: совуқ кладовкалар ва ойнаванд ёзги хоналар учун – 1,0; ойналанмаган лоджиялар учун – 0,5, балкон ва терраса учун – 0,3.

4. Ётоқхона ва уй-интернатлар умумий майдонини яшаш хоналари, ёрдамчи хоналар ва жамоат хоналари майдони, ҳамда 3-банд бўйича ҳисобланадиган ёзги хоналар майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак.

5. Турар-жой бино квартираларининг умумий майдони шу бино квартираларининг 3-банд бўйича ҳисобланган умумий майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак.

6. Турар-жой бино майдонини ташқи деворнинг ички юзалари оралиғида ўлчанган ҳамма қаватлар майдони, ҳамда ёзги хоналар (лоджия, балкон) майдонлари йиғиндиси деб ҳисоблаш керак.

Зина бўлмалари, лифт ва бошқа шахталар майдони уларнинг шу қават сатҳидаги майдони ҳисоби билан битта қават майдонига қўшилади.

Чордоқ, хўжалик ва техник ертўла, ҳамда зина бўлмаси ва лифт шахтаси тамбурлари майдони бино майдонига киритилмайди.

7. Турар-жой бинолар хоналарининг майдонини, пол сатҳида (плинтуслар ҳисобисиз) девор ва пардеворларнинг пардозланган юзалари орасидаги ўлчамлари бўйича ҳисоблаш керак.

Печка ва печка-камин эгаллаган майдон хона майдонига киритилмайди.

Квартира ичидаги зина ости майдони полдан чиқиб турган конструкция остигача бўлган баландлиги 1,6 м ва ундан ортиқ бўлса, ўша зина жойлашган хона юзасига киритилади.

Мансарда қаватдаги хона майдонини ҳисоблашда, қия шипли шу хонанинг баландлиги 1.6 м дан кам бўлмаган қисмининг майдони ҳисобга олинади.

8. Ичига ёки ички-туташтириб қурилган жамоат хоналарининг майдони ШНК 2.08.02 га мувофиқ ҳисобланади.

Баландлиги кўп қаватли (многосветный) хонанинг майдони бинони умумий майдонига фақат бир қават чегарасида киритилиши керак.

9. Турар-жой бинонинг қурилиш ҳажми ± 0.00 белгидан юқори қисм (ерустки қисми) ва бу белгидан қуйи қисм (ер остки қисми) ҳажмлари йиғиндиси деб ҳисобланади.

Бинонинг ер устки ва остки қисми қурилиш ҳажми шу қисмларнинг ҳар биридаги пол сатҳидан бошлаб, чегараловчи юзалар, шу жумладан қуршаб олувчи конструкциялар, ойнавон томлар ва бошқалар доирасида аниқланади; бунда туртиб чиқиб турган меъморий қисмлар ва конструкция қисмлари, ертўладаги каналлар, терраса, балкон, колонка (портик), ўтиб юриладиган йўллар ҳажми ва пойдевори таянч (устунча)лардан иборат бўлган бинолар тагидаги бўшлиқлар ҳисобга олинмайди (соф ўлчовда).

Бинонинг қурилиши ҳажмига иситилмайдиган верандалар, совук чордоқ, техник қават ва ертўлалар киритилади.

10. Бино қуриладиган майдон бинони ташқи томонидан цокол сатҳида ўралган горизонтал кесим майдони, шунингдек туртиб чиқиб турган қисмлар, бинонинг устунлар устида жойлашган қисми остидаги майдон, бино остидан автомобил ўтиш жойлари майдони деб ҳисобланади.

11. Бинонинг қаватлар сонини белгилаётганда ер устидаги қаватларнинг ҳаммаси, шу жумладан техник қават, мансарда қават, цокол қават, агар ёпмасининг усти ернинг текисланган сатҳидан 2 м дан баландроқ бўлса, ҳисобга киритилади.

Бино остидаги ертўла (подполье) баландлигидан катъий назар, ҳамда баландлиги 1,8 м дан кам бўлган қаватлараро ҳар қандай бўшлиқ қаватлар сонига киритилмайди.

Бинонинг турли қисмларида қаватлар сони турлича бўлганда, шунингдек бино нишаб жойда жойлашиши ҳисобига қаватлар сони кўпайса, қаватлар сони бинонинг ҳар бир қисми учун алоҳида ҳисобланади.

Юқори қават устида жойлашган техник қават бино этажлар сонини белгилаётганда ва лифтлар сони ҳисобланганда ҳисобга олинмайди.

3-илова
Мажбурий

Турар жойларни турли қулайлилик классификацияси таърифлари

Қулайлилик классификацияси	Хоналарнинг таркиби ва майдонлари	Хаво-иситиш тартиби ва муҳандислик ускуналар таърифлари
1	2	3
Оддий	Турар-жой билан таъминланганлик «ижтимоий» меъёрлар бўйича қабул қилинади: (16 м ² /одамдан кам эмас; ногиронларга – 23 м ² /одам.) Кваттира хоналарининг таркиби ва майдонлари санитария-гигиена ва функционал талаблар билан кам бўлмаган принциплари асосида аниқланади. Хоналар сони яшовчилар сонидан битта кам (п-1)	Микроклимнинг йўл қўйилган параметрлари, муҳандислик ускуналари билан жиҳозланганлиги беҳатар ва соғлом яшаш шароити санитария-гигиена меъёрларига, (қулайликнинг минимал зарурий даражасига) мос келади.
Яхшиланган	Яшаш майдони 20 дан 30 м ² гача. Кваттира таркиби оддий клас турар жойидан кўпроқ ривожланган. Хоналар сони яшовчилар сонидан кам бўлмаслиги керак (п)	Йилнинг совуқ даври учун микроклимнинг энг мувофиқ кўрсаткичлари, худди шундай 1а ва 2б зоналардаги яшаш хоналарида иссиқ даврда ҳам. Муҳандислик ускуналари билан жиҳозланганлиги юқори даражада.
Юқори	Яшаш майдони 30 м ² /одам ҳисобидан юқори. Кваттираларнинг ривожланган таркиби, хоналарнинг энг мувофиқ майдонлари, ухлайдиган жойсиз хоналари бор (шу жумладан мехмонхона, кабинет, ўйин хона, кутубхона), бир нечта санузеллар ва ёрдамчи хоналар.	Йилнинг совуқ ва илиқ даврларида микроклимни энг мувофиқ кўрсаткичлари. Муҳандислик ускуналарининг прогрессив тизимлари ва қурилмалари билан юқори даражада жиҳозланганлиги.
<p>Изоҳлар:</p> <p>1. Қулайлилик классификацияси оддий норматив бўлган кваттиралар таркиби ва майдонлари, турлари 3 бўлим талабларига мувофиқ қабул қилиниши керак.</p> <p>2. Қулайлилик классификацияси яхшиланган ва юқори бўлган нодавлат маблағлар (нобюджет) ҳисобига қуриладиган кваттираларнинг таркиби ва майдонлари, турлари 7-илова (2-жадв.) ни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш топшириғи билан белгиланади.</p>		

Ўзбекистон Республикаси маъмурий туманлари бўйича
қурилиши-иқлимий зона ва остзоналар рўйхати

1	Вилоятларнинг номи	Туманларнинг номи	Зона ва остзоналар					
			Ia	Iб	Iв	Iг	II	III
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Қорақалпоқистон республикаси	Амударё	-	-	+	-	-	-
		Беруний	-	-	+	-	-	-
		Бозатуз	-	-	-	+	-	-
		Қораўзак	-	-	+	+	-	-
		Кегайли	-	-	+	+	-	-
		Кўнғирот	+	-	+	+	-	-
		Конликўл	-	-	+	+	-	-
		Мўйноқ	-	-	+	-	-	-
		Нукус	-	-	+	+	-	-
		Тахтакўпир	+	-	+	+	-	-
		Тўрткўл	-	-	+	-	-	-
		Хўжайли	-	-	-	+	-	-
		Чимбой	-	-	-	+	-	-
		Шуманай	-	-	+	-	-	-
Элликқала	-	-	+	-	-	-		
2	Андижон вилояти	Олтинкўл	-	-	-	-	+	-
		Андижон	-	-	-	-	+	-
		Балиқчи	-	-	-	-	+	-
		Бўз	-	-	-	-	+	-
		Жалақудук	-	-	-	-	+	-
		Избоскан	-	-	-	-	+	-
		Улуғнор	-	-	-	-	+	-
		Кўрғонтепа	-	-	-	-	+	-
		Асака	-	-	-	-	+	-
		Мархамат	-	-	-	-	+	-
		Шаҳристон	-	-	-	-	+	-
		Пахтабод	-	-	-	-	+	-
		Хўжаобод	-	-	-	-	+	-
Булокбоши	-	-	-	-	+	-		
3	Бухоро вилояти	Олот	+	-	-	-	-	-
		Бухоро	+	+	-	-	-	-
		Вобкент	-	+	-	-	-	-
		Ғиждувон	-	+	-	-	-	-
		Когон	+	-	-	-	-	-
		Қоракўл	+	-	-	-	-	-
		Пешку	-	+	-	-	-	-
		Ромитон	-	+	-	-	-	-
		Жондор	+	+	-	-	-	-
		Шафрикон	+	+	-	-	-	-
		Қоравулбозор	+	-	-	-	-	-

1	2	3	4	5	6	7	8	9
4	Жиззах вилояти	Арнасой Бахмал Ғаллаорол Жизах Дўстлик Зомин Зарбдор Мирзачўл Зафаробод Фориш Пахтакор	- - - - - - - - - - - -	+ - - - + + + + + + + +	- - - - - - - - - - - -	- - - - - - - - - - - -	- + + + - + + - - - - -	- + + + - + + - - - - -
5	Қашқадарё вилояти	Бохористон Ғузор Дехконобод Қамаш Қарши Косонсой Китоб Муборак Нишон Касби Усмон Юсупов Чирокчи Шахрисабз Яккабоғ	- + - - - - - - + - - - + - -	+ + + + + + + + + + + + + + +	- - - - - - - - - - - - - - -	- - - - - - - - - - - - - - -	+ - - + + - - + - - - - - - +	+ - - + + - - + - - - - - - +
6	Навоий вилояти	Қанимех Қизилтепа Новбахор Навоий Нурота Томди Учкудук Хатирчи	- + + + + + + +	+ - - + + - + +	- - - - - - + +	- - - - - - - -	+ - + - - + - -	+ - - - - + - -
7	Наманган вилояти	Задарё Косонсой Наманган Норин Поп Тўрақўрғон Уйчи Учқўрғон Чортоқ Чуст Янгиқўрғон	- - - - - - - - - - -	- - - - - - - - - - -	- - - - - - - - - - -	- - - - - - - - - - -	+ + + + + + + + + + +	+ - - - + - - - - + -
8	Самарқан вилояти	Оқ дарё Гўзалкент Булунғур Жомбой Иштихон Каттақўрғон Қошровот	- - - - - - -	- + - - - - -	- - - - - - -	- - - - - - -	+ + + + + + +	- - - - - - -

1	2	3	4	5	6	7	8	9
		Норпой Пойарик Пастдарғом Пахтачи Самарканд Нуробод Ургут Тойлок Челак	+	-	-	-	+	-
9	Сурхандарё вилояти	Олтинсой Ангор Бойсун Бандихон Музровот Денов Жарқўрғон Қумқўрғон Қизирик Сариосиё Термиз Шеробод Шўрчи Узун	-	+	-	-	+	-
			+	-	-	-	-	-
			-	+	-	-	+	+
			-	+	-	-	+	+
			+	-	-	-	-	-
			-	+	-	-	+	-
			+	+	-	-	-	-
			+	+	-	-	+	-
			+	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	+	+
			-	+	-	-	-	-
			+	+	-	-	+	+
			-	+	-	-	+	+
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	+	+
			-	+	-	-	-	-
10	Сирдарё вилояти	Оқолтин Боевут Сайхунобод Гулистон Шароф Рашидов Мирзаобад Меҳнатобод Сирдарё Ховос	-	+	-	-	+	-
			-	+	-	-	+	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	+	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	-	-
			-	+	-	-	+	-
			-	+	-	-	-	-
11	Тошкент вилояти	Оққўрғон Охонгарон Бекобод Бўстонлқ Бўка Қуйи Чирчиқ Зангиота Юқори Чирчиқ Паркент Пскент Ўрта Чирчиқ Қибрай Тошкент Чиноз Янгийўл	-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	+
			-	+	-	-	-	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	+
			-	-	-	-	+	+
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
12	Фарғона вилояти	Олтиарик Охунбобоев Боғдод Бувайда	-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-
			-	-	-	-	+	-

1	2	3	4	5	6	7	8	9
		Бешарик	-	-	-	-	+	-
		Кува	-	-	-	-	+	-
		Учкўприк	-	-	-	-	+	-
		Риштон	-	-	-	-	+	-
		Тошлок	-	-	-	-	+	-
		Ўзбекистон	-	-	-	-	+	-
		Фарғона	-	-	-	-	+	-
		Дангара	-	-	-	-	+	-
		Ёзёвон	-	-	-	-	+	-
		Сўх	-	-	-	-	+	-
		Фуркат	-	-	-	-	+	-
13	Хоразм вилояти	Боғот	-	-	-	-	-	-
		Гурлан	-	-	+	-	-	-
		Кўшкўпир	-	-	+	-	-	-
		Ўрганч	-	-	+	-	-	-
		Ҳазораси	+	-	+	-	-	-
		Хонка	-	-	+	-	-	-
		Хива	-	-	+	-	-	-
		Шавот	-	-	+	-	-	-
		Янгиарик	-	-	+	-	-	-
		Янгибозор	-	-	+	-	-	-

5-илова

Мажбурий

**Турар жой бинолар хоналарини табиий ёритилганлик
коэффициентининг (ТЁК) меъёрланган қийматлари**

Хоналар	Географик кенглик	ТЁК ни меъёрланган қийматлари, пол сатҳида %		
		Деразаларни уфқ томонларига қараб жойлашиши		
		136-225°	225-315° 46-136°	316-45°
Яшаш хоналари, ошхона, жамоат хоналари	Шимолроқ 40° ш.к.	0,3	0,3	0,4
	40° ш.к. ва жануброқ	0,2	0,3	0,6
Зина бўлмалари, умумий йўлаклар, оқовалаштирилмаган хожатхоналар	Ҳамма жойда	0,1	0,1	0,1

Турар жой бинолари учун йўл қўйиладиган шовқин даражаси

№ пп	Хоналар ёки майдонлар номи	Кун вақти, соат	Товуш босими даражаси, ДБ, ўртача геометрик частотали октава бўлмаларида, Гц								Товуш даражаси, ДБА	Қиска вақтдаги товушнинг максимал даражаси, ДБА
			63	125	250	500	1000	2000	4000	8000		
1.	Квартиралар, қария ва ногиронлар уй-интернатларининг яшаш хоналари	7-23	63	52	45	39	35	32	30	28	40	55
		23-7	55	44	35	29	25	22	20	18	30	45
2.	Ётоқхоналар яшаш хоналари	7-23	67	57	49	44	40	37	35	33	45	60
		23-7	59	48	40	34	30	27	25	23	35	40
3.	Турар-жой уйларга бевосита ёндош майдонлар*)	7-23	75	66	59	54	50	47	45	43	55	70
		23-7	67	57	49	44	40	37	35	33	45	60
4.	Ётоқхона бино-ларига бевосита ёндош майдонлар*)	7-23	79	70	63	58	55	52	50	49	60	75
		23-7	71	61	54	49	45	42	40	38	50	65

*) – тўсувчи конструкциялардан 2м да.

Изоҳлар:

1. Ҳавони кондиционерлаш, ҳаволи иситиш ва вентиляция, шунингдек тонал ёки импульсли шовқин учун қийматлар 5 ДБА. ёки 5 ДБА га камайтирилади.

2. Шовқин манбаига ўгирилган, тўсувчи конструкциядан 2м нарида транспорт воситаларидан (авто, темир йўл, авиация) ҳосил бўладиган шовқин учун товуш даражаси ДБА.ни, 10 ДБА.га қабул қилишга йўл қўйилади.

**Турли класс қулайликка эга квартира ва турар жой
уйлар хоналарининг таркиби ва майдонлари**

1 жадвал

**Оддий класс қулайликка эга квартира хоналарининг
таркиби ва майдонлари**

Хоналар таркиби	Квартира типлари ва хоналар майдони, м ²					
	<u>1хона</u> (1-2 киши)	<u>2хона</u> (3 киши)	<u>3хона</u> (4 киши)	<u>4хона</u> (5 киши)	<u>5хона</u> (6 киши)	<u>6хона</u> (7 киши)
<u>Яшаш хоналари</u>						
умумий хона	14-19	16-18	17-20	17-20	20-24	20-24
ота-оналар ётоқхонаси	–	14	14	14	14	14
1 кишилиқ ётоқ.	–	–	10	10	10x2	10x2
2 кишилиқ ётоқ.	–	–	–	12-14	12-14	12x2
Яшаш майдони	14-19	30-32	40-44	53-58	66-72	78-82
<u>Ёрдамчи хоналар</u>						
дахлиз, йўлак	4	4-6	7	8-10	9-11	10-12
ошхона	6-8	8-9	9-10	9-10	10-12	12-13
санитария-хонаси (ваннахона ва хожатхона)	3,5-4	4-5	6	6-8	8-10	10-12
кладовка ва шкафлар	0,5-1	2-3	2-3	3-4	3-5	4-7
Жами	28-36	48-55	64-73	80-90	96-110	114-126
1 кишига	28-18	16-18	16-18	16-18	16-18	16-18
<i>Изоҳ: Квартира хоналари таркиби ва майдони лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатиллади. Топшириқ бўйича хўжалиқ хоналари, шахсий автомобилларга гаражлар кўзда тутилмишига йўл қўйиллади.</i>						

**Яхшиланган ва юқори класс қулайликка эга квартиралар
хоналарининг таркиби ва майдони**

Хоналар таркиби	Яхшиланган класс квартиралари (бир оилали уйлар)				Юқори класс квартиралари (бир оилали уйлар)		
	Хоналар майдонлари, м ²						
	3хона (3 киши)	4хона (4 киши)	5хона (5 киши)	6хона (6 киши)	6хона (5 киши)	7хона (6 киши)	8хона (7 киши)
<u>Яшаш хоналари</u>							
умумий хона	20-24	24-26	24-26	30	30	30	32-36
меҳмонхона	–	–	–	–	–	–	28-30
емакхона	–	–	–	–	–	–	–
ота-оналар ётоғи болалар (ўйин, ётоқ)	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20	16-20
хонаси	–	–	14	14-16	16-20	16-20	16-20
кабинет (кутубхона)	–	–	–	–	16-20	16-20	16-20
1 кишилиқ ётоқ.	12-14	14x2	14x2	14x2	14	14-16	14-16
2 кишилиқ ётоқ.	–	–	16	16	–	16-20	16-20
Яшаш майдони	48-58	68-74	84-90	104-110	110-124	128-148	156-184
<u>Ёрдамчи хоналар</u>							
дахлиз, холл ва йўлаклар	6-8	6-9	10-12	12	12	14-16	14-18
ошхона	10	10-12	12	12-14	12	12-14	12-14
санитария хонаси	4-6	6-8	8-9	8-10	12	12-14	12-15
кладовка ва шкафлар (ички)	2-4	4-5	5-7	6-8	6-8	8-10	8-10
сауна(хамом)	–	–	–	–	6-8	6-10	8-10
Жаъми	70-86	94-108	120-130	142-154	158-178	180-212	212-251
1 одамга	23-29	24-27	24-26	24-26	32-36	30-35	30-36
<i>Изоҳ: Квартиралар хоналари таркиби ва майдонлари, шу жумладан ёзги хоналар ҳам, лойиҳалаш тотириги билан ўрнатилди; қўшимча хўжалиқ хоналари, хусусий меҳнат фаолияти учун устахона, гаражлар кўзда тутилмишига йўл қўйилди.</i>							

Хўжалик хоналари ва қурилмалари

1- жадвал

**Хўжалик эҳтиёжлари учун ва устахоналар хоналари
рўйхати ва майдони**

Хоналар номи	Майдони, м ²
Хўжалик кладовкаси (омбори)	8-12
Сабзавот, мева, вино ва б. сақлаш хонаси	10-14
Хусусий меҳнат фаолияти учун устахона	1 иш жойига 6-9м ² , лекин 10м ² дан кам эмас
Тайёр маҳсулот, хомашё, асбоблар сақлаш хонаси	8-12
Қурук иссиқ сауна-ҳаммом (буғхона, душ, ҳожатхона, дам олиш хонаси-ечиниш хонаси)	8,0-15,0
Машқ қилиш (тренажерная), биллиард хонаси	30-36
Шахсий автомобиль гаражи	18-25
Қозонхона, ўтхона	5,0 дан кам эмас
<i>Изоҳ: Хоналар таркиби ва майдонлари жойлардаги шароитларга қараб ўрнатилади.</i>	

2- жадвал

**Ҳовлидаги қурилишлар таркиби, майдони ва яшаш
хоналари деразасидан узоқлиги**

Хоналар, қурилишлар	Майдони, м ²	Деразалардан узоқлиги, м
Тандир, кладовкали ёзги ошхона		
Ҳовлидаги ҳожатхона	15-25	6
Молхона бузоқхонаси билан	2-3	12
Ёзги молхона бостирма	18-24	15
Қўйхона, товукхона	10-15	15
Ем сақлаш омбори	10-20	12
Хўжалик бостирмаси	6-8	7
Автомашина гаражи	12-15	7
Иссиқхона (теплица)	18-24	7
Ҳаммом-кир ювиш хонаси	20-30	10
Ёзги душ	8-12	10
	4	10
<i>Изоҳ: Хўжалик қурилишлари (иниоотлари) майдони жойлардаги шароитга қараб ўрнатилади.</i>		

**Ётоқхоналар маданий-маиший, хўжалик ва ёрдамчи
хоналар таркиби ва ҳисобий кўрсаткичлари**

№	Хоналар	Майдони, м ² /одам. сигимида (киши)				
		50	100	200	400	600
1.	Вестибюль-холл, навбатчи, таксофон, кутиш жойлари билан	0,3	0,2	0,18	0,15	0,14
2.	Маъмурият(комендант) ва хизматчи ходимлар хоналари	0,16	0,1	0,06	0,05	0,04
3.	Шахсий буюмлар, спорт-анжомлари, хўжалик, кир сақлаш, супуриш-сидириш анжомлари сақлаш кладовкалари	0,3	0,25	0,2	0,17	0,15
4.	Машғулотлар хонаси	Талаба ва ўқувчилар учун				
		0,3	0,3	0,3	0,3	0,3
		Ишчи ва хизматчилар учун				
		0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
5.	Дам олиш хоналари	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3
6.	Маданий-оммавий тадбирлар хонаси (тўғарақ, ўқиш зали, видеозал)	0,4-0,35	0,3	0,3	0,25	0,2
7.	Буфет ёрдамчи хонаси билан	-	0,2	0,18	0,16	0,14
8.	Маиший хизмат хоналари (буюртма столи ва б)	-	-	0,11	0,11	0,1
9.	Изолятор	1 койка	1 койка	1 койка	2 койка	3 койка
		(майдони амалдаги меъёрлар бўйича)				
10.	Кир ювиш, қуритиш ва дазмоллаш хонаси	0,24	0,18	0,14	0,1	0,08
		(12м ² дан кам эмас)				
11.	Ошхоналар	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8
		ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун лойиҳалаш топшириғи бўйича				
12.	Кийим тозалаш ва дазмоллаш хонаси	0,1	0,08	0,07	0,06	0,05
		(8 м ² дан кам эмас)				
13.	Кийим ва пойафзал қуритиш хонаси					
		Жойдаги шароитга қараб (иш хусусиятини ҳисобга олиб) хонадан фойдаланувчининг хар бирига 0,2 м ² ҳисобидан, лекин 8 м ² дан кам эмас				
Изоҳлар:						
1. Ётоқхоналарнинг ҳамма турлари учун жамоат хоналарининг умумий майдони ушбу меъёрлар 4.7-б. га мувофиқ қабул қилинади. Урта-махсус ўқув юртлари ўқувчилари ётоқхоналари жамоат хоналари майдонинг умумий меъёрлари таркибида, яшаш гуруҳи жамоат, ёрдамчи хоналари ҳам, 1 кишига 1,5 м ² ҳисобидан ҳисобга олинган бўлиши керак (4.5-б. га мувофиқ).						
2. 100 ўрндан кам сизимли ётоқхоналарда кир сақлаш ва хўжалик кладовкалар, ичига қурилган шкаф-стеллажлар билан алмаштирилиши мумкин.						
3. Тижорат хизматлари учун хоналар, қўшимча нодавлат маблағи ҳисобига кўзда тутилади.						

Қариялар ва ногиронлар уй-интернатлари хоналарининг таркиби ва майдонлари

№	Хоналар	Майдони, м ²		
		Мустақил ҳаракатланувчилар учун	Ётиб қолганлар (парваришга мухтожлар) учун	Кресло-аравачадаги ногиронлар учун
1	2	3	4	5
I. Яшаш гуруҳи хоналари майдони				
1.	Яшаш хоналари 1 кишига 2 кишига	10 (12)* 16 (18)*	лойиҳалаш топшириғи бўйича**)	14 (16)* 18 (20)*
2.	Санитария хонаси (унитаз, юз-қўл ювгич, душ)	3,5	3,5	5,0
3.	Ички қурилган шкаф кийим, шахсий буюм, кир учун (1 кишига)	0,5	0,5	0,5
4.	Дам олиш хонаси (1 кишига)	1,2	0,7	1,6
5.	Буфет-хонаси	18 дан кам эмас		
6.	Ошхона-тарқатиш хонаси	16 дан кам эмас		
7.	Ванна хонаси	14 дан кам эмас		
8.	Санитар хонаси клеёнка ювиш, кир сақлаш, қуритиш, супириш-сидириш анжомлари сақлайдиган жойи билан	16 дан кам эмас		
9.	Маиший хона (нарсаларни ювиш ва қуритиш, йиғиштириш анжомлари сақлайдиган жойи билан)	12 дан кам эмас		
10.	Тоза кир сақлаш хонаси	4 дан кам эмас		
II. 3-4 яшаш гуруҳи бўлимининг умумий хоналари				
11.	Ҳамшира хонаси (муолажа)	12-14	12-14	14-16
12.	Ходимлар хонаси	8	8	8
13.	Хўжалик-бекаси хонаси	10	10	10
14.	Ходимлар ҳожатхонаси	1 кабина	1 кабина	1 кабина
15.	Ходимлар душ хонаси	1 кабина	1 кабина	1 кабина
16.	Кийим ва кир дазмоллаш хонаси	12		
17.	Клизма қилиш хонаси	14		
18.	Аравача ва кресло-аравачаларни сақлаш жойи	4		
*) Қавеларда юқори қулайликка эга яшаш хоналарининг майдони берилган.				
**) Касалхона, стационар палаталарида 1 койка меъёри бўйича (ШНК 2.08.02).				
III. 50-300 ўринли уй-интернатларининг умумий хоналари				
19.	Вестибюль, холл	бир кишига 0,3 – 0,4		

1	2	3	4	5
20.	Маъмурий-хўжалик хоналари (мудир, хўжалик мудир, ходимлар хонаси, девонхона, кадрлар бўлими, бухгалтерия, анжомларни сақлаш хонаси ва б.)	бир кишига 0,4 – 0,5		
21.	Дам олиш, клуб-тўгарак машғулотлари, телекўрсатувлар томоша қилиш хоналари; томоша зали, кутубхона	бир кишига 0,35 – 0,65 (24-30 м ² ўлчамдаги хона) яшовчилар сони 200 нафардан ошганда (таркиби ва майдони лойиҳа топшириғи билан белгиланади.		
22.	Тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш-соғломлаштириш муолажалари хоналари - фелдшер хонаси - мудир хонаси - терапевт шифокори хонаси - маслахатчи шифокорлар хонаси (ларинголог, офтальмолог, ю.) - стоматолог хонаси - муолажа ва боғлаш хонаси - электр билан даволаш муолажа хонаси, ёрдамчи хонаси билан - иссиқлик билан даволаш (озокерит) муолажа хонаси, ёрдамчи хонаси билан - асбоб-усқунани сақлаш хонаси - ходимлар учун санитария узеллари ва йиғиштириш анжомларини сақлаш хонаси - даволаш физкультура хонаси - зал қошида ечиниш ва душ хоналари (эркак ва аёллар учун) - массаж хонаси - дориларни сақлаш ва тарқатиш хонаси (дорихона) - енгил ёнувчан суюқликларни сақлаш хонаси - экспресс лаборатория хонаси - стерилизациялаш хонаси - медицина ходимлари хонаси	12 – 14 (яшовчилар сони 100 дан кам бўлмаганда) 12 (яшовчилар сони 200 дан кам бўлмаганда) 12 (100 ўринга ва ундан ортик) хар бири 18 м ² (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 14 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 18 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 14 – 16 (+8) (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 14 (+8) (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 6 дан кам бўлмаган 3 + 3 40 – 80 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 2 x (12+3) 14 6 м ² дан кам бўлмаган (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 3 8 м ² дан кам бўлмаган (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 10 8 м ² дан кам бўлмаган		
23.	- Қабул хонаси - вестибюль (ғилдиракли каталкалар жойи билан) - текшириш хонаси (санитария узели билан) - вақтинча жойлаштириш хонаси (санитария узели билан)	12 (+2) 18 (яшовчилар сони 100 нафардан ошганда) 14 (яшовчилар сони 100 нафардан ошганда)		

1	2	3	4	5
24.	1-2 палатали изолятор (санитария узели билан) Пост	14 (хар бир палатага)		
		4		
25.	Морг хонаси (совутиш камераси билан) - ходимлар хонаси (ечиниш хонаси, хожатхона ва душ билан)	10 + 6 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда) 9 + 3		
26.	Архив	8 – 10		
	Четдан келган қариндошлар учун ётоқхона (санитария узеллари билан 1-2 хона)	14 (хар бир хонага)		
28.	Маиший хизмат хонаси (саргарошлик, педикюр)	14 – 20 (яшовчилар сони 100 нафардан ошганда)		
29.	Ошхона - овқатланиш зали - овқат пишириш блоки	сиғимини 60-80%га (амалдаги соғломлар ҳисобидан) 1,3 залдаги 1 ўрин учун амалдаги меъёрлар бўйича		
30.	Почта ва банк хизматлари хонаси (вестибюлда)	10 – 12 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)		
31.	Навбатчи пости (вестибюлда)	6		
32.	Савдо киоски (вестибюлда)	6 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)		
33.	Вестибюл қошида санузеллар (2)	5		
34.	Хўжалик хоналари: - тоза кирлар хонаси - ифлос кирлар хонаси - шахсий буюмлар хонаси - мавсумий кийимлар хонаси - мебеллар хонаси - жиҳозларни таъмирлаш хонаси - боғ-деҳқончилик анжомлари сақлаш хонаси - хўжалик омбори - ёнғин пости хонаси	10-12 6-8 12-16 12-16 12-16 12-16 6-8 15-16 4		
35.	Зарарсизлантириши (дезинфекция) камера хонаси	18 – 24 (яшовчилар сони 200 нафардан ошганда)		
36.	Меҳнат терапияси устахоналари	Лойиҳалаш топшириғи бўйича (6-8 битта иш жойига)		
<i>Изоҳ: Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилди.</i>				

11-илова

Тавсиявий

**Қариялар ва кресло-аравачада ногирони бор оилалар квартираси
хоналарининг таркиби ва майдонлари**

Хоналар таркиби (мажбурий)	Хоналар майдони, м ²					
	1 хонали		2 хонали	2 хонали	3 хонали	4 хонали
	1 киши	2 киши	2 кишига	2 кишига	3-4 кишига	4-5 кишига
	Қариялар учун			Ногирони бор оилалар учун		
<u>Яшаш хоналари:</u>						
Умумий хона	16	18	16-17	18	20	22
2 кишилиқ ётоқхона	-	-	16	-	16-18	16-18
1 кишилиқ ётоқхона	-	-	-	-	-	10-14
Ногирон ётоқхонаси	-	-	-	16	16	16
Яшаш майдони	16	18	32-33	34	52-54	64-70
<u>Ёрдамчи хоналар</u>						
Дахлиз, аравачани жойи билан, йўлаклар	4	6	4	6	8	8-10
Ошхона	8	8	8	9	9-10	10-12
Санузел	3,5	3,5	4-5	5	8-10	10
Кладовкалар, ички қурилган шкафлар	1,0	1,0	2	2-3	4	6
Умумий майдон	32,5	36,5	50-52	56-57	81-86	98-108
<i>Изоҳ: Квартира хоналари таркиби ва майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатилди.</i>						

**Қариялар ва ногирон оилалар учун махсус квартиралари уйлардаги
маданий-маиший хизмат кўрсатиш хоналарининг таркиби
ва майдонлари**

№	Хоналар	Майдон, ҳисобидаги бирликка м ²	Майдон, м ² , ҳисобдаги контингентни сониди (қариялар ва аравададаги ногиронлар)		
			50	100	150
1.	Вестибюль-холл қоровул, таксофон, савдо киоски(сайёр), кўчаллик кресло-аравадалар сақлаш жойлари билан	0,2	камида 12	20	30
2.	Маъмурий-маиший хоналар (маъмурият ва хўжалик бекаси хоналари, маиший хизмат пункти, кирхона қуриштиш ва дазмоллаш хонаси билан, хўжалик ва супуриш-сидириш анжомлари кладовкаси, санузел)	0,8	40	80	120
3.	Маданий-маърифат хоналари, хаваскорлик машғулотлари, меҳмонхона, ўқувзали, телехолл, оммавий тадбирлар зали, стол усти ўйинлари.	0,8	34	80	120
4.	Тибиий хоналар (ҳамшира хонаси, муолажа, массаж, физотерапия, даволаш физкультура зали)	0,2	камида 14	20	30
5.	Ногирон ишлайдиган устахона		жойлардаги шароитга қараб		
	Жами:	2,0	100	200	300

Изоҳлар:

1. Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаш топшириғи билан ўрнатиллади. Бюджет ҳисобига қуриладиган ижтимоий уйларда маданий-маиший хоналарнинг умумий майдони 1 кишига 1,5-2,0м² ҳисобидан келиб чиқиб қабул қилиниши керак.

2. Тижорат хизмати хоналарини кўрсатилган ҳисобий кўрсаткичлардан ташқари қабул қилинишига йўл қўйиллади.

3. Ногиронлар устахоналарининг майдони лойиҳалаш топшириғи бўйича ўрнатиллади.

13-илова*Мажбурий***Йўловчи лифтларнинг минимал сони**

Бинонинг қаватлари	Лифтлар сони	Юк-қўтарувчанлиги кг	Тезлиги м/сек	Қаватдаги квартираларнинг энг катта майдони, м ²
9 гача	1	630 ёки 1000	1,0	600
10-12	2	400, 630 ёки 1000	1,0	600
13-16	2	400, 630 ёки 1000	1,0	500

Изоҳлар:

- 630 ёки 1000 кг юк қўтарувчи лифт кабиналарининг габаритлари 2100 x 1100 мм дан кам бўлмаслиги керак.
- Жадвал 1 яшовчига 16 – 18 м² яшаш майдони, қават баландлиги – 3,0 м, лифт ҳаракати интервали 81 – 100 сек ҳисобидан келиб чиқиб тузилган.
- Қаватлардаги квартиралар майдони, қават баландлиги ва 1 яшовчига умумий майдон, жадвалда қабул қилинган кўрсаткичлар қийматидан фарқ қиладиган турар-жой биноларда, лифтлар сони, тезлиги ва юк қўтарувчанлиги ҳисоблаб ўрнатилади.
- Юқори қаватларида икки сатҳли квартиралар жойлашган турар-жой биноларда лифтни сатҳлардан биттасида тўхташига йўл қўйилади.

14-илова*Тавсиявий***Яхшиланган ва юқори класс қулайликка эга квартираларда сантехника жиҳозларининг ҳар-хил турларини қўллаш**

Қулайлик класси	Сантехника жиҳозлари тўплами
Яхшиланган	Одатдаги тўплагма қўшилган душ, оёқ ваннаси, биде, қўшимча санузел (душ, юз-қўл ювгич, унитаз) ўрнатилиши мумкин.
Юқори	Ҳар-бир ётоқхона ёнида (юз-қўл ювгич, ваннахона ёки душ, унитаз, биде, оёқ ванна). Болалар ётоқхонаси ёнида махсус жиҳозлар қўлланади. Квартиранинг умумий зонасида: хожатхона (унитаз, биде, юз-қўл ювгич). Ҳаммом-сауна ҳовуз, джакузи ванна, даво массаж души билан. Сузиш учун бассейн.

МУНДАРИЖА

1. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ	3
2. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР	4
3. ТУРАР ЖОЙ УЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	9
4. ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАР	14
5. ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ, ЭВАКУАЦИЯ ЙЎЛЛАРИ	18
6. ЯШАЛМАЙДИГАН ҚАВАТЛАР	25
7. ЛИФТЛАР.....	30
8. ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙЎҚОТИШ.....	31
9. МУҲАНДИСЛИК ЖИҲОЗЛАРИ.....	31
10. ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИК ВА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИК.....	41

ИЛОВАЛАР

1-илова Норматив ҳужжатларга ҳаволалар	43
1А-илова Атамалар ва тавсифлар	44
2-илова Турар-жой биноларнинг квартира, умумий ва яшаш майдонлари, хоналар майдони, қурилиш ҳажми, майдони ва қаватларини ҳисоблаш қодалари.....	47
3-илова Турар жойларни турли қулайлилик классификацияси таърифи	49
4-илова Ўзбекистон Республикаси маъмурий туманлари бўйича қурилиши- иқлимий зона ва остзоналар рўйхати	50
5-илова Турар жой бинолар хоналарини табиий ёритилганлик коэффициентининг (ТЁК) меъёрланган қийматлари.....	53
6-илова Турар жой бинолари учун йўл қўйиладиган шовкин даражаси	54
7-илова Турли класс қулайликка эга квартира ва турар жой уйлар хоналарининг таркиби ва майдонлари.....	55
8-илова Хўжалик хоналари ва қурилмалари	57
9-илова Ётоқхоналар маданий-маиший, хўжалик ва ёрдамчи хоналар таркиби ва ҳисобий кўрсаткичлари.....	58
10-илова Қариялар ва ногиронлар уй-интернатлари хоналарининг таркиби ва майдонлари	59
11-илова Қариялар ва кресло-аравачада ногирони бор оилалар квартираси хоналарининг таркиби ва майдонлари.....	62
12-илова Қариялар ва ногирон оилалар учун махсус квартиралар уйлардаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш хоналарининг таркиби ва майдонлари.....	63
13-илова Йўловчи лифтларнинг минимал сони	64
14-илова Яхшиланган ва юқори класс қулайликка эга квартираларда сантехника жиҳозларининг ҳар-хил турларини қўллаш	64

